O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA INV.№

Kuch — adolatda

Adolat

Ozbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqa boshlagan ✡ 2001 yil 25 май ✡ juma ✡ № 21 (308) ✡ sotuvda erkin narxda

● Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ҳокимият тизимларидан, аввало ҳокимиятнинг сайлаб олинаётган органларидан ўрин олиш учун курашар эканлар, аниқ мақсадлари, ҳаракат дастурлари бўлиши керак. Токи бу дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатдаги ижобий ўзгаришларга баракали таъсир этсин.

Бунинг учун аввало партия етакчилари ҳам, уларнинг тарафдорлари ҳам нима учун ва нимага қарши курашаётганларини аниқ равшан тасаввур этишлари зарур.

Ислом КАРИМОВ.

Муҳаррир минбари

УМИДБАХШ ҒОЯЛАР

Парламентимиз келажагида партиямиз ўрни қандай бўлади?

Парламент ислоҳоти, унинг таркиби ва фаолиятини жаҳон андозалари даражасига кўтариш тўғрисидаги таклифлар Президентимиз Ислом Каримов томонидан Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида олға сурилди. Улар Ўзбекистоннинг тараққиёти, халқаро жамиятдаги ўрнини янада ошишида муҳим аҳамият касб этади. Утган йиллардаги ислоҳотлар Узбекистон давлатчилиги ва парламентаризмининг янги тизими самарали эканини кўрсатди.

Бугун фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Демократик тамойилларнинг кейинги тараққиёти фуқароларнинг давлатни парламент фаолияти орқали бошқаришда сиёсий партиялар механизми ва жамоатчилик ноҳукумат ташкилотларидан фойдаланган ҳолда кенг иштирокини назарда тутади. Шу тарика демократия тараққий этган мамлакатлардаги икки палатали парламент иш тажрибаси аҳамиятлидир. Узбекистон Республикасининг олий қонун чиқарувчи органи – Олий Мажлисни самарали ислоҳ қилиш мақсадида бутун жаҳон мамлакатларининг бир ва икки палатали парламент иш механизми мамлакатимизнинг сиёсатшуносларн томонидан батафсил ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда...

Юртимиз истиқлолининг ўнинчи йилида қалбимизда ўзгача руҳ, эзгу тилаклар, орзу-умидлар бўлиши табиий. Ўнинчи довонда ўзига яраша сарҳисоб талаб этиларкан. Бу – келгуси ўн йилликлардан ҳам ёруғ юз билан ўтишимиз учун пойдевор бўлса ажабмас. Юртимизда юз бераётган улкан сиёсий жараёнлар ана шу пойдеворимизни янада мустаҳкамлашга имкон бераётир. Бу жараёнларда Ўзбекистон « Адолат» социал-демократик партияси ҳам мамлакатимиз миқёсида ўз ўрнига ва салоҳиятига эга эканини таъкидлаш жоиз. Зеро, партиямиз оддий халқ орасида ҳам, мамлакатимиз Парламентида ҳам ўз мақсадларини амалга ошириш учун ҳаракат қилаётганининг ўзи ўша улкан сиёсий жараёнга нечоғли дахлдор эканини кўрсатади.

Мустақиллигимизнинг ўн йиллик тўйи янги асрнинг биринчи йилига тўғри келди. Янги аср – янги орзулар, демак. Энди қилажак ишларимиз, режаларимиз ҳақида пухта ўйлашимиз лозим. Хўш, бундан буён партиямиз мавқеи, унинг Парламентдаги ўрни қандай бўлади, деган ҳақли савол ҳар биримизни ўйлантириши табиий. Бу ҳақда бугун яна бир карра ўйлаётганимиз бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йили май ойида бўлиб ўтган сессиясида Юртбошимиз Ислом Каримов мамлакатимиз келажаги учун қимматли ғояларни илгари сурганди. Давлатимиз раҳбари жаҳондаги илғор мамлакатларнинг конституция тизимларидан жуда яхши бохабар инсон сифатида келгусида Ўзбекистонда вужудга келадиган икки палатали Парламентнинг муҳим хусусиятлари ҳақида мулоҳазаларини билдирди. Албатта, Олий Мажлис фаолиятини ислоҳ этиш, уни икки палатали Парламентга айлантириш ғояси келажак тараққиётимиз учун муҳим босқич бўлади. Миллий тараққиётимизда хос йўлимизнинг мантиқий давоми, навбатдаги босқичи сифатида кун тартибида пайдо бўлган бу ғоя ҳадемай улкан воқеликка айланиши шубҳасиз.

Хўш, икки палатали Парламент фаолияти қандай бўлади? Аввало Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бу парламент қуйи палата – Олий Мажлис ҳамда юқори палата – Олий Кенгашдан иборат бўлади. Қуйи палата, яъни Олий Мажлис турли сиёсий партиялар вакиллари ва номзоди сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган мустақил депутатлардан таркиб топади. Унинг аъзолари сиёсатни, қонунчилик ишини ҳар томонлама тушунадиган профессионал депутатлар бўлади ва улар доимий асосда фаолият юритадилар. Демакки, «Адолат» социал-демократик партиясидан номзоди кўрсатилган ҳамда сайланган депутатларимиз ушбу палатада фаолият кўрсатаркан, улуғвор мақсадларимизни шу йўсинда мамлакат ҳаётида воқеликка айлантириш учун курашиш имконига эга бўлади.

Юртбошимиз ўз сўзларида юқори палата фаолияти ҳақида ҳам атрофлича тушунтирдилар. Яъни, Парламентнинг юқори палатаси – Олий Кенгаш жойлардаги маҳаллий кенгашлар – халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашларининг умумий таркибидан сайланиб, вакил қилиб юборилган ноиблардан ташкил топади. Буни икки босқичли сайлов асосида шакланувчи палата ҳам дейиш мумкин. Аввало вилоят, шаҳар, туман кенгашлари тўғридан-тўғри бўладиган сайлов асосида шаклланади. Сўнгра улар муайян ҳудуднинг умумий мақсад ҳамда вазифаларини белгилаб, қонунда кўзда тутилган миқдорда депутатларни сайлаб, мамлакат Парламентининг юқори палатаси – Олий Кенгашга вакил қилиб юборади. Президентимиз шуни алоҳида таъкидладики, юқори палата депутатлари мамлакатимиз маъмурий ҳудудлари – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан, ҳудудлари каттами-кичикми, аҳолиси кўпмиозми – бундан қатъи назар тенг миқдорда сайланади. Бунда, каттами-кичикми – ҳар бир ҳудуд манфаати бирдек инобатга олинган. Жойлардаги муаммолар оқилона ҳал этилишининг ўзига хос йўли бу. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, юқори палатага сайланажак депутатлар зиммасига жуда улкан масъулиятлар юкланмоқда.

Мамлакатимиз Парламентидаги бундай улуғвор ўзгаришлар биринчи навбатда миллий давлатчилигимиз тараққиёти демократик талабларга тўла мос келишини таъминлайди. Қонунчилик фаолияти самарасини оширади. Профессионал парламент қабул қилган қонунлар моҳиятан ва сифат жиҳатидан янада юксакроқ даражада бўлиши аниқ. Чинакам демократия мактабига айланган янги Парламент жамиятдаги турли сиёсий кучлар ва ҳудудлар манфаатлари моҳияти бир-биридан фарқ қилишини англаш, қонунларимизни ҳаётнинг барча қатламларига изчил олиб кириш имконини беради. Унда бошқа сиёсий партиялар қатори «Адолат» СДП ҳам янада фаолроқ ҳаракат қилиши ҳаётий заруратга айланиши шак-шубҳасиздир.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган янги парламентчилик ғояси шу каби жиҳатлари билан бағоят муҳимдир. Дунёдаги илғор мамлакатлар сиёсатига ҳамоҳанг бундай ёрқин йўл халқимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқаришига умид қилса бўлади. Юртимиз мустақиллигининг ўнинчи йилида шуни аён кўриб турибмизки, бугунги кунда халқимизнинг сиёсий маданияти, маънавияти юксак даражада шаклланмоқда.

Одамлар тафаккуридаги улуғвор ўзгаришлар ҳар бир жабҳада кўринмоқда. Аллақачон жаҳонга юз тутган Ўзбекистон энди тараққиёт бобида юқори поғоналарни забт этиши ҳаётий эҳтиёжга айланаётгани баайни ҳақиқат.

Юртбошимизнинг сиёсий донишмандлик ила ҳаётимизда улкан воқеликка айлантираётган икки палатали Парламент ғоясини ҳақли равишда — умидбахш ғоя дейишимиз мумкин. Ҳар қандай улуғвор иш ҳам аввало ғоялар силсиласида, тафаккур ёғдусида пайдо бўлади. Энг муҳими, биз шунга яраша лаббай деб жавоб бера олишимиз, адолатли сиёсий куч сифатида майдонга чиқишимиз, виждонан ишлашимиз зарур. Партиямиз фаоллари, барча аъзолари ўша умидбахш ғоялар замиридаги юксак мақсадларни теран англаган ҳолда фаол ҳаракат қилишса бас.

Тўхтамурод ТОШЕВ.

Партия ахбороти

РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Сиёсий Кенгаш аъзолари, Сиёсий Кенгаш котиблари иштирок этдилар. Йиғилишни Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, академик Турғунпўлат Даминов олиб борди.

Раёсат йиғилишида Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан жойларда партия Кенгашлари олиб бораётган ишларни янада кучайтириш, «Оналар ва болалар» йилига бағишланган тадбирларни амалга ошириш ишларини жонлантириш, жойларда партия ташкилотларини ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш, сафларни кенгайтириш каби қатор масалалар муҳокама этилди.

Кўрилган масалалар юзасидан партия Сиёсий Кенгаши котиблари А. Ғуломмаҳмудов, Р. Ҳайдаров, А. Жўрабоев, Т. Тошев, Сиёсий Кенгаш аъзолари Т. Жўраев, М. Мўйдинов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

– Биз энг аввало, – дейди Сиёсий Кенгаш биринчи котиби Т. Даминов йиғилишни якунлар экан, – Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигини муносиб кутиб олиш, унинг халқимиз ҳаётидаги аҳамиятини, улуғ неъмат бўлмиш мана шу мустақиллигимизнинг моҳиятини кенг тарғиб қилишимиз, партия аъзолари ва фуқароларимизнинг сиёсий фаоллигини оширишимиз зарур. Қолаверса, партиямиз ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол этиб тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшиши, миллий истиқлол ғояларини халқ орасида кенг тарғиб қилиши керак...

Раёсат йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шунингдек, Раёсат йиғилишида 2001 йил 12 июнь куни Янгийўл шаҳрида мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб фуқаролар билан давра суҳбати ўтказишга, 2001 йил 6 июнь куни эса Тошкент шаҳрида партиянинг навбатдаги V Пленумини ўтказишга келишиб олинди.

Мурод ХАЛИЛОВ.

БИЛДИРУВ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТУМАНЛАРИ, БАРЧА ВИЛОЯТЛАР ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ КОТИБЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2001 йил 6 июнь куни соат 15.00 да Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг навбатдаги V Пленуми бўлади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига белгиланган тадбирларни жойларда қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида. Маърузачи – партия Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, академик Т. Даминов.

2. Ёшларни ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини оширишдек олий мақсадлар руҳида тарбиялаш борасида партиянинг вазифалари хусусида. Маърузачи— «Ёшлар қаноти» Кенгаши раиси Н. Нурматов.

3. Ташкилий масалалар.

Юқорида номлари зикр этилган барча партия Кенгашларининг биринчи ва иккинчи котиблари Пленумда иштирок этиш учун келишлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти, Мажлислар зали.

•Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигига

ЯША ИСТИҚЛОЛ

Яша, эй Истиқлол, яшадинг ўн йил,
Зафарли одимлар ташладинг ўн йил,
Адолат йўлидан бошладинг ўн йил,
Ғанимлар дилини ғашладинг ўн йил,
Дебоча ўн ёшинг – бир босқич, фақат,
Иншоолло, Истиқлол, яша то абад!

Миллатнинг таянчи, миллатнинг фахри –
Боболар дердилар: «Эрк бер, озодлик!»
Тонг отди, очилди миллатнинг баҳри,
Истиқлол эрк берди, қувонч ва шодлик!
Дебоча ўн ёшинг – бир босқич фақат,
Иншоолло, Истиқлол, яша то абад!

Омон бўл Истиқлол, яша Истиқлол,
Асрамоқ бурчимиз, юракларда ёл.
Юртбошим раҳнамо, топдик бахт-иқбол,
Дастурхон бой бўлсин, томиб турсин бол!
Дебоча ўн ёшинг – бир босқич, фақат,
Иншоолло, Истиқлол, яша то абад!

Истиқлол шарофати, Ўзбекистон!
Биз англай ололдик ўзлигимизни.
Ўзбекнинг кимлигин англади жаҳон –
Фидойи, қатъий бир сўзлигимизни!
Дебоча ўн ёшинг – бир босқич, фақат,
Иншоолло, Истиқлол, яша то абад!

Мамажон ХОЛИҚОВ.

Президентимиз Хотира ва Қадрлаш куни юртдошларимиз билан бўлган учрашувда бутун халқимизни камтарин, адолатли ва одил бўлишликка чақирдилар. Юракдан айтилган гаплар кимни тўлқинлантирмайди, дейсиз!

КАМТАРЛИК

Камтаринлик – оқиллик, адолат рамзи,
Оқибату, диёнат саховат рамзи.
Хизматлари беминнат дилинг ёритар,
Иймони бут инсонлар ором бахш этар.

Сенда оғир бир масала туғилса агар
Омад кетиб, ишларинг юришмаса гар,
Ғамгин бўлиб борсанг алҳол унинг қошига
Сени кулиб кутиб олар кўйиб бошига.

Сенда эмас, гўё унда пайдо муаммо,
Ечим эса унда эмас, сендадек гўё.
Меҳр ила у бағрини сенга очади,
Ҳолинг сўраб дилга эзгу нурин сочади.

Қулоқ солар ҳар сўзингга, дардингни олар
Инсонийлик меҳри ила ҳайратга солар.
У ўзини ўйламас, ҳеч кўрқмас бировдан
Улуғларни асрар Оллох, ҳатто оловдан.

Юртбошидан ўрнак олсин бу кун инсонлар,
Атрофига жипслашинг ҳар даму онлар
Ортда қолди оғир кунлар, қийин замонлар
Юртимизга кўз тиколмас энди ёмонлар.

Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи.

Автокарвон ҳаракатда

«ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ»

Мамлакатимизда XXI асрнинг илк йили «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши ўзига хос рамзий маъно касб этмоқда. Зеро, буюк манзилларни кўзлаган юрт аҳли, аввало фарзандлари камолини ўйлайди.

Хусусан, болажонларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, айниқса, йўл ҳаракати қоидаларини чуқур ўргатиш, олган билимларини амалиётда синовдан ўтказиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Ўзавтосаноат» уюшмаси, «Ўзавтотранс» компанияси, «Ўзавтотеххизмат» бирлашмаси, «Ватанпарвар» Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар автомобиль федерацияси, Республика телерадиокомпанияси ҳамда «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги «Йўл қоидаси – умр фойдаси» шиори остида тарғибот автокарвони ҳам шу мақсадда ташкил этилди. Мазкур тарғибот автокарвони республикамизнинг кўпгина вилоятларида бўлишиб, жойларда йўл ҳаракати қоидалари ҳақида тарғибот ишларини олиб боришмоқда.

Автокарвон тарғиботчилари Самарқанд шаҳридаги 2522-автокорхонада бўлишиб, транспортчилар билан учрашдилар. Тарғибот гуруҳининг Боғишамол туманидаги 37-ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказишган учрашувлари айниқса эсда қоларли кечди. Республика Халқ таълими вазирлиги вакили Фозил Содиқов, автокарвон раҳбари, милиция майори Мансур Рихсиев, Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси ДАН бошқармаси тарғибот-ташвиқот бўлими катта нозири, милиция майори Муқим Омонқулов болалар ўртасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл қоидалари, тарғибот гуруҳининг мақсад ва вазифалари хусусида сўзлаб беришди.

«Туркистон-пресс».

Во ажаб!

Ота-боболаримиздан қолган гап бор: – «Дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб». Бу мақолни янада ихчамроқ, теранроқ, замонавийроқ қилиб айтадиган бўлсак унинг замирида «холис танқид» деган сўз ётади. Шунинг учун танқидга ижобий назар билан ёндошмоқ лозим.

Тошкентнинг Хадра майдонида қад ростлаган «Цирк» биноси ўзига хос миллий меъморчилик хусусиятига эга. Ушбу маскан минглаб фарзандларимизни цирк томошаларини кўрсатиш учун ўз бағрига чорлайди. Афсуски, шундай эътиборли даргоҳда кимларнингдир лоқайдлиги туфайли хунук нуқсонлар кўзга ташланмоқда.

Яқинда 4-синфда ўқийдиган ўғлим ва унинг синфдошлари цирк томошаларидан ранжиб қайтишди.

– Нега, – деган савол бердик.

– Маълум бўлишича, охирги маротаба мактабдан йиғилиб борганларида артистларнинг ярим яланғоч аҳволда чиқишлари болаларга ёқмабди. Ўғил болалар ва қизлар бир-бирларидан уялишиб, устозлари олдида роса ҳижолат чекишибди.

Ана, холос. Демак болаларимиз ғоят маърифатли ва маънавиятли бўлиб боришяпти. Бундан бошимиз кўкка етади, албатта.

– Аммо ота-оналар, устозлар-чи?

Ҳа, энг ажабланарлиси шундаки, ёш болалар онгига таъсир қилган ҳолат шунча вақтдан бери биз катталарнинг – ота-оналарнинг, мураббийларнинг назаридан, маданият ва маориф раҳбарларининг диққат-эътиборидан четда қолибди-я!

Аслида ҳаётни фақат кувноқ кунлардангина иборат деб билувчи болажонлар «Цирк» томошаларига нима мақсадда борадилар? Алтурган гап. Наҳотки, мутасаддилар томоша дастурини тузишдан аввал ёш болаларнинг тушунчасига, уларнинг қалби ёш бўлсада, аммо дунёқараши кенглигига эътибор бермайдилар? Мутасаддилар цирк артистларининг, ўйинчиларнинг либослари ёшларнинг дидига, ҳали тўлиқ ривожланмаган психологиясига зиддилигини наҳотки ўйлаб кўришмаган бўлишса?!

Умуман, болалар «Цирк»ка болаларча кувноқ томошаларни кўриш учун ташриф буюрадилар. Дастурлар ҳам болалар руҳиятига мос бўлмоғи, миллий руҳда бўлмоғи лозим. Мурғак қалбларнинг дунёқарашини ҳозирдан бузиб қўйсак, эртага нима бўлади? Циркчилар ҳам ўзбекона, миллий либосларда чиқишса, нур устига аъло нур бўлмайдими?

Бу ҳолат бир қарашда арзимаган нарсадек туюлса-да, аммо унинг замирида тарбиядек мураккаб муаммо ётибди. Сиз бунга нима дейсиз, азиз муштарий! Лукмамиз ўринлими?

БОЛАЛАР «ЦИРК» ТОМОШАСИДАН РАНЖИДИ. НЕГА?

Раъно МАҲМУДОВА,
«Адолат» мухбири.

«Галла – 2001»

ҲОСИЛ НОБУД БЎЛМАЙДИ

Туманимиз ғаллакорлари бу йил ҳам об-ҳаво қийинчиликларига қарамай далаларда мўл дон ҳосили етиштирдилар. Улар ўтган йили вилоятда биринчилардан бўлиб бу соҳадаги йиллик режаларини ортиғи билан уддалаган эдилар. Ғаллакорларимиз амалдаги йилда 14200 гектар майдондан қабул пунктларига 47900 тонна ғалла етказиб беришга бел боғлашган. Бу ҳар гектар суғориладиган майдонга 33,7 центнерданга тўғри келади.

Ички ишлар бўлимимиз томонидан шу мақсадда хизмат қилувчи «Ҳосил-2001» тадбири ишлаб чиқилди. У муҳим паллада мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш билан бирга жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ҳам ўз ичига олган. Ғалла ўрим-йиғимини нобудгарчиликсиз ўтказиш мақсадида алоҳида штаб тузилди. Унга туман ИИБ бошлиғининг муовини, милиция капитани Абдуваҳоб Умиров бошчилик қилади. 12 нафар участка вакили, 67 нафар маҳалла посбонлари, 8 та фуқаролар йиғинининг ходимлари ўрим мавсумида кечаю кундуз ғаллазорлар бошида бўлишади. 8 жойда текширув постлари ташкил этилди. Ҳудудимиз қўшни Қозоғистон Республикаси ҳамда Арнасой, Пахтакор, Оқ олтин, Мирзачўл туманлари билан чегарадош бўлганлиги туфайли бу манзилларда назорат айниқса кучайтирилади.

20 та «Кейс» комбайнлари ҳамда 104 та юк ташувчи машиналар ва трактор тирмаларнинг техник ҳолатлари туман ИИБ ДАНБ ходимлари томонидан пухта текшириб чиқилди. Ўтган йили профилактика инспекторларидан катта нозир, милиция майори Олим Бобоев, милиция катта лейтенанти Тўлқин Ғозибеков, милиция майори Икром Оролов, милиция капитани Ўрозали Ўроловлар етакчилик қилган ҳудудларда ташмачилик ва нобудгарчиликка мутлақо йўл қўйилмади. Бу жонкуяр ходимларимиз навбатдаги тадбирни ҳам ҳушёрлик ва уюшқоқлик билан ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Ғалла – эл бойлиги, ризқ-рўзимиз. Унинг бир граммини ҳам нобуд қилиш оғир гуноҳ. Шундай экан, нобудгарчиликка асло йўл қўймаймиз. Бир сўз билан айтганда жамоамиз шахсий таркиби бу йилги ўрим-йиғим мавсумини кўнгилдагидек ўтказади.

Бекмурод ЖЎРАЕВ,
Жиззах вилояти,
Дўстлик тумани
ИИБ бошлиғининг
биринчи муовини,
милиция майори.

Суд фельетони

Шу тобда Одилжоннинг хаёлини ўзга бир хаёлот дунёси ўз гирдобига ғарқ қилган эди. Унинг кўзига на ота-она, на қариндош-уруғ, на хотин, бола-чақа кўринарди. У «аллома»лари ваъда қилган сассиқ дунё билан мағрур ва масрур яшарди. Гўё яқин-яқин кунларда ҳаммаси улар ўйлаганчалик ўзгариб кетаётгандек эди. Инидаги темирқанот бойўғли палопони ота-онасидан неларни ўрганиб, не-не орзулар беланчагида тебраниб, мафтункор яшамайди дейсиз?!

КЎРНАМАКЛАР

ёхуд «Ҳизбут-таҳрир» оқимидаги айрим кимсаларнинг қалтис ниятлари хусусида

...У 1998 йилнинг охирларида деновлик «уламо»лардан – Нуриддин ва Бадриддин деган йигитлар билан яқиндан алоқа ўрнатиб қолди.

«Уламо»лари ҳам «сувга ташна» экан, учрашган ҳамтовоқларини баайни топиб олганидан қалби бамисоли ойдай ёришди. Дафъатан бундай ишончли ҳамкор камдан-кам ҳоллардагина қадам ранжида қилади.

– Обиджон, жуда рисоладагидек йигит экансиз. Сафимиз сиздек йигитлар билан ҳам энига, ҳам бўйига қўшилиб бораверади. Иншоолло, жамоамиз олдига қўйган мақсадларига эришади. Йўлимиз равон, «жаннат» эшиклари абадий очиқ биз учун. Зукколигингизни чеҳрангиздан англаб турибмиз. Сиз жамоамизнинг фаол иштирокчиларидан бири бўлиб, «салб» юришимиз майдонида қаҳрамонларимиздан бири бўлиб қолишингизга ишончимиз комил.

Шуниси кафолатлики, ташкилотимиз ҳукмдорликни қўлга киритгач, ўз юртингизнинг юзбошисига айланиб қоласиз. Ваъдаларимиз қатъий! – деди Нуриддин калима ўгириб кўз қирини ташларкан.

Ҳавойи ваъдалар водийсига шўнғиб кетган Обиджоннинг руҳи тетик бўлиб, қай бир дунёга бориб келмади. У сира иккиланмай «Ҳизбут-таҳрир»га аъзо бўлиб киришга икки қўлини кўтариб розилик билдирди.

– Сиз мушриф Бадриддиндан сабоқ ола бошлайсиз ҳозирча. Кейин бизга тегишли «аҳли мўминлар» олдида «қасам» ичасиз. Чунки қасам кишини мақсад сари ботирликка, йўлидан қайтмас жасурликка чорлайди.

(Давоми 4-бетда).

Хотира — қалбдаги ҳайкалдир

УСТОЗ ОТАДЕК УЛУҒ

Ҳадисларда айтилганидек, ҳар бир инсонни Оллоҳ таоло ўз умри, ўз тақдири билан яратади. Менинг бугунги камолимга беқиёс хизмати сингган устозим Арслон Каримов ҳам ана шундай ажойиб тақдир эгаси эди. Агар у ҳозир ҳаёт бўлганида 70 ёшни қаршилаган бўларди. У ғоят сермазмун ва ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтди.

Кечагидек ёдимда. 1985 йили ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини аъло баҳолар билан битириб, мустақил ҳаётга эндигина қадам қўйган кезларим эди. Мени йўлланма билан Жиззах вилояти прокуратурасига ишга жўнатишди. Ўша пайтда Жиззах вилояти прокурори бўлган Эрон Жумаев самимий кутиб олди.

— Ука сиз қийинчиликларни кўрган оддий инсонларнинг фарзанди экансиз,— деди у. Сизни шаҳарга, прокурорнинг катта ёрдамчиси сифатида ишга юборамиз. Сиз суд назоратини амалга оширасиз. Омадингиз бор экан, шаҳар суди раиси Арслон Faниевич ҳақиқий инсон, кучли судья, ўз ишини сувдай ичган мутахассис. У киши тиришқоқ, серҳаракат, билимли, меҳнаткаш ва софдилли ёшларни яхши кўради ва бор билимини уларга беради, дангасаларни сира ёқтирмайди.

Жиззах шаҳар прокурори Тўймат Шоназаров билан танишиб, дилдан суҳбатлашдик. У менга йўл-йўриқлар, тавсиялар берди. Ўша куни шаҳар судида бир жиноий иш кўрилаётган экан.

– Ука, ҳозир судга боринг, судья кутиб турибди, — деди прокурор. – Ишда давлат айбловчиси бўлиб қатнашасиз... Айтиб қўяй, суд раиси жуда самимий, ҳалол ва пок инсон. Бутун умрини суд ишига бағишлаган. Шундай инсондан иш ўргансангиз сиздан жуда яхши прокурор чиқади...

Ҳаяжонли дақиқалар ҳамон эсимда. Суд биносига энтикиб кириб келдим. Қабулхона котибаси ўз юмушлари билан банд экан. Мен раисга киришга изн сўрадим. Котиба «Йўқ, суд кетяпти, кутиб туринг», деб ичкарига йўлатмади. Ваҳоланки, ўша пайтда судья прокурорга қўнғироқ қилиб, вакилингиз келмади, деб сўраётган экан. Мен, яъни вакил қабулхонада ўтирардим. Ярим соатлардан кейин эшик очилди. Ичкаридан узун бўйли, келишган, хушбичим, сочларини орқага тараган, гавдали киши сигарет чекиб чиқиб қолди. Менга кўзи тушиб, русчалаб кимнинг олдига, нима иш билан келганимни сўради.

Мен шошилиб, раисга учрашишим кераклигини айтдим. У эса «нима, иш юзасиданми?» дея яна сўради. Мен ҳаяжон билан «давлат иши бўйича» деб жавоб бердим. Менинг гапимни ичкаридагилар ҳам эшитиб «қаҳ-қаҳлаб» кулиб юборишди. Гап нимада эканлигини дарҳол тушунмадим. Истар-истамас жилмайдим. Менга ҳалиги одамнинг истараси жуда иссиқ кўринди. Чунки кулиши соф ва беғубор эди. У киши кирган хонага беихтиёр ортидан кириб бордим. «Кечирасиз, мен прокурорман» дедим. Бу гапдан кейин улар яна қотиб кулишди. Кейин у киши, «ука, сизни қачондан бери кутяпмиз. Сиз эса қабулхонада бамайлихотир ўтирибсиз-а» дедилар. Сўнгра қўшиб қўйдилар:

– Мен Жиззах шаҳар судининг раиси бўламан, – дея қўл узатди. Ёнидаги халқ маслаҳатчилари билан ҳам таништирди.

Арслон Каримов биринчи кундан бошлабоқ жиноят ишида давлат айбловини қувватлаш сирларини менга қунт билан ўргатди. Прокурор ўз фикрларини юракдан ҳис этган ҳолда далилларга таяниб нутқ сўзлаши, уни маҳорат билан ифода қила билиши кераклигини, унинг гаплари нафақат суд, судланувчи, балки судда ўтирган кишилар онгига ҳам етиб бориши зарурлигини уқтирди. Биринчи ишимизда шундай бўлди. Қаттиқ тайёргарлик кўрдим. Судда айблов нутқимга шу қадар берилиб кетибманки, залда ўтирганларнинг ҳаммасининг кўзидан ёш қалқди, ўзимни овозим бўғилиб қолиб, ҳатто кўзларимдан ҳам ёш чиқиб кетди. Натижада нутқимни охиригача етказолмадим. Танаффусда Арслон Faниевич «Ука қойил, ҳаммани йиғлатдинг, ўзинг ҳам йиғлаб олдинг. Энди ҳамма суд ишларида кўз ёш қилаверасанми?» деб қолдилар.

– Ахир бу ер театр эмас, суд. Сен эса судда давлатнинг ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишинг керак. Кўз ёш билан иш битмайди», – дея таннбеҳ ҳам бердилар.

– Ўзингиз юракдан чиқариб сўзланг, деб айтдингиз-ку!— дедим ҳижолатомуз.

– Йиғла деб айтганим йўқку, – койиган бўлди устоз.

– Устоз, ҳинд киноларида суд жараёнида прокурор залда юриб, қўлларини пахса қилиб жуда чиройли нутқ сўзлайди-да! Мен ҳам шундай қилсам бўладими?

Устоз ва халқ маслаҳатчилари яна кулиб юборишди.

– Ўғлим, хонамиз ўзи тор бўлса, одам лиқ тўлса, сен яна қандай қилиб ҳиндча «роль» ўйнайсан?!

Ҳа, менинг дастлабки иш кунларим шундай завқли ўтарди. Ҳаёт менга яхши бир инсонни устоз қилиб ҳадя этди. Бунинг учун тақдиримдан беҳад миннатдорман.

Эсимда илк иш кунларимнинг бирида менга устоз учта китобни ҳадя этиб, шундай деган эди:

– Бир аллома ўлимидан олдин мен кўп нарсаларни билмай ва ўқимай дунёдан ўтаяпман деб айтган экан. Шунинг учун инсон вақтни бой бермай илм ўрганиши, ўз устида тинмай ишлаши зарур. Агар сен айтганларимни уддасидан чиқсанг сендан зўр прокурор чиқади. Мен бунга аминман.

Бу гапларга фаришталар омин деган эканми, мен вилоят, республика Прокуратураларида, маъсул вазифаларда, Бектемир ва Юнусобод туман прокурори лавозимларида ишлаб келдим. «Дендропаркдаги отишув», «Келес фожеаси», «Наманган воқеалари» деб аталмиш жиноят ишлари (охирги жиноят иши бўйича ҳалқаро террорист Тоҳир Йўлдошев қидирувда бўлган), февраль воқеалари ва бошқа 5 мингдан зиёд жиноят ишларида давлат айбловини қувватлаб, бирон маротаба ҳам ҳимоячига ишни бой бермаганман. Бу эса устозим Арслон Каримовнинг ўгитларига риоя этганим натижасидир. Аслида менинг отам оддий мактаб ўқитувчиси, онам уй бекаси эди. Мен ҳозирча нимага эришган бўлсам бу мени ўстирган, ҳалол, покликка ўргатган, ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган камтарин-камсуқум устозимнинг меҳнатлари самарасидир. Устозим Арслон Каримов 6 август 1931 йили Самарқанддаги Холвои қишлоғида туғилган. Шаҳардаги 21-мактабни битириб, 1954 йили Тошкент ҳуқуқшунослик институтини аъло баҳолар билан тамомлаган. Илк иш фаолиятини 1955 йили Нурота туман суди раиси вазифасидан бошлаган. Кейинчалик, 1961 йили Жиззах шаҳар судьяси, Гулистон шаҳар суди раиси, Жиззах адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Дўстлик тумани суди раиси, Жиззах вилояти суди раиси ўринбосари ва охирги иши Жиззах шаҳар суди раиси вазифаларида ишлаган, яъни 35 йил раҳбарлик лавозимларида бўлган. Оилали, 3 нафар фарзанди бор. Эсимда бор, устоз доим онам Санобар ажойиб инсон, фаришталр аёл деб кўп гапирар эдилар. Оиламизда кўпчилик эдик. Лекин онам кўпроқ укамни яхши кўрардилар. У ғоят ақлли деб доим алқардилар. Устозим ҳар доим «прокурор бўлиш осон, аммо одам бўлиш қийин» деб кўп айтардилар. «Менинг муҳими ҳақиқий инсон бўл!» дея чин инсонликка даъват этарди.

Бир куни мени шаҳар прокурори Шоназаров ўз хонасига чақириб қолди. У Республика прокурорининг биринчи ўринбосари Қобилжон Розиқовичга ахборот беришимни буюрди. Мен ишда прокурор сифатида қатнашганим учун ахборот бердим. Қобилжон Розиқович ҳукмни ўқиб: «Жуда яхши ёзибди, ҳусни хати ҳам чиройли экан», – деди. Шу ерда ҳозир бўлган вилоят прокурори у кишига қараб: «Сиз у кишини танийсиз, Каримов Арслон» деб айтди.

– Ҳа, ҳалиги судьями, у зўр одам, – деб устозимни мақтадилар.

Ҳа, устозим чин инсон эди. У кишининг ажойиб орзу ҳаваслари бор эди... Қани энди ҳар бир судья шундай бўлса! Менга устоз насиҳат қилиб, бу ҳаётда учрайдиган барча қийинчиликларни енгиш учун ўз устимда тинимсиз ишлашим кераклигини кўп бор уқтирган. Ҳаётда ҳақиқат учун курашган кўпгина одамлар нобуд бўлган. Лекин адолат учун курашиб яшашга не етсин. Халқ, давлат учун куйсанг, ёнсанг тарихда мангу қоласан, деб айтганлар устозим. Афсуски, бугун шундай ажойиб инсон орамизда йўқ. Аммо у кўплаб шогирдлар тайёрлади. У эккан эзгулик дарахтлари мевасини бераверади. Унинг қутлуғ ёшида устозни ўйлар эканман, қалбимдан шундай мисралар отилиб чиқди:

Устоз меҳрингизга
ташнаман яна,
Пойингизга бошимни
эгаман минг бор,
Сиз айтган инсон
бўлиб етишдим мана,
Лек устоз ўзингизга
бўлдим интизор.

Устоз сиз туфайли
етдим муродга,
Сизни хотирлаб
яшайман мудом,
Бошимни эгиб сиздек
улуғ зотга,
Устоз йўлингизни
этаман давом.

Геннадий ДАВЛЕТОВ,
Тошкент шаҳар
Миробод тумани
прокурорининг
ёрдамчиси, адлия
маслаҳатчиси.

ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

Самарқанд тиббиёт институтининг биринчи клиникасида «Юқумли касалликларнинг долзарб муаммолари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

– Профилактик ишларнинг яхши йўлга қўйилиши натижасида кейинги йилларда мамлакатимизда ичтерлама, паратиф, вирусли гепатит ва бошқа бир қанча юқумли касалликлар камайди, — деди Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Давлат Бош санитария врачи Бахтиёр Ниёзматов «Туркистон-пресс» мухбирига. – Бироқ хушёрликни унутмаслик зарур. Чунки қўшни республикаларда, айниқса Тожикистонда юқумли касалликлар сони кескин ошиб бормоқда. Шунинг учун доимо хушёр бўлишимиз керак.

Анжуманда республикамизнинг барча вилоятларидан келган 180 дан зиёд соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Улар юқумли касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг олдини олиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.



Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги Марди Султонов номли агрофирмада «ТЕМП-СО» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси иш бошлади. Россиядаги «АТ – Трайдинг» масъулияти чекланган жамият билан Марди Султонов номли агрофирма унинг таъсисчилари бўлишди. Қўшма корхонада иккиламчи маҳсулотлар қайта ишланиб, фойдаланишга яроқли ҳолга келтирилмоқда. Шу билан биргаликда турли халқ истеъмоли моллари ҳам тайёрланяпти.

СУРАТДА: қўшма корхона ишчиси Одил Мажидов бу жамоада меҳнат қилаётганидан мамнун.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

5 июнь - Умумжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

АВЛОДЛАР ОЛДИДАГИ БУРЧИМИЗ

Ҳар йили, саҳоватли ёз фаслининг дастлабки кунларидан бирида, яъни 5 июнда нишонланадиган Умумжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан қуёшли ўлкамизда фаолият кўрсатаётган кўп сонли экологларни, қолаверса, саҳоватли табиат учун, унинг битмас-туганмас бойликларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказиш йўлида жон куйдирувчи барча кишиларни ана шу қутлуғ байрам билан самимий табрикларканман кўнглим қувончларга тўлади. Ўлкамизда узоқ йиллар мобайнида тўпланиб қолган экологик муаммоларни ҳал қилиш Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланган. Ўз навбатида бу масала партиямиз дастуридан ҳам муносиб ўрин эгаллаган. Бу биз экологларни ғоят қувонтирмоқда.

Ангрен шаҳри мустақил республикамиздаги йирик индустриал марказлардан бири бўлиб, ўзининг табиий бойликлари, ишлаб чиқараётган турли хил саноат маҳсулотлари билан мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Республикада кўмир қазиб чиқаришнинг 95 фоизи, электр энергиясининг 30 фоизи Ангрен шаҳри ҳиссасига тўғри келади. Бу ерда 160 мингдан зиёд киши истиқомат қилади. Шаҳримизда турли миллат ва элатларнинг вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил, иноқ бўлиб меҳнат қилмоқдалар.

Шаҳар иқтисодий тараққиётини асосан йирик саноат корхоналари ташкил қилиб, улар сафига очиқ турдаги Ангрен кўмир ҳиссадорлик жамияти, 9-шахта, Ангрен ва Янги-Ангрен ГРЭСлари, «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ангрен олтин қазиб олиш кони, «Ангрен қалинқоғоз савдо» ҳиссадорлик жамияти, «Ер ости газ» ҳиссадорлик жамияти, Облиқ норуда материаллари карьери, «Ангренгазмаш» ҳиссадорлик жамияти ва бошқа ўнлаб қурилиш ва транспорт ташкилотлари киради.

Минтақанинг экологик ҳолати, атроф табиий муҳитнинг ажралмас қисми бўлган атмосфера ҳавосининг мусаффолиги, ер усти ва ер ости сувларининг таркибига, ерларнинг унумдорлигига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг барқарорлигига боғлиқ. Айниқса, саноати кундан-кунга ривожланиб бораётган бизнинг шаҳримизда экологик муаммолар энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўз навбатида бундай йўналишдаги ишларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш кучларининг жойлашишига, улардаги техника ва технологияларнинг бугунги кун талабларига қай тарзда жавоб бера олишига, ишчиларга яратилган қулай шарт-шароитга, меҳнат интизомига қатъиян риоя қилинишига, ишлатилаётган ҳомашёларнинг сифатига ва жойлардаги табиат муҳофазасига оид ишларнинг қўлланишига боғлиқдир.

Шаҳримиз корхоналари томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни талабларининг амалда бажарилиши табиатни муҳофаза қилиш Ангрен минтақавий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси шаҳар ташкилотининг доимий назорати остида туради.

Шаҳримизда сўнгги 10 йил мобайнида экологик ҳолатни соғломлаштириш учун қарийб 2 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бунинг натижасида атмосфера ҳавосига чиқарилаётган зарарли чиқиндилар ҳамда очиқ сув ҳавзаларига ташланаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори сезиларли даражада камайди, 500 гектардан ошиқроқ бузилган ерлар қайта тикланди.

Шуни очиқ айтиб ўтиш жоизки, қилаётган ишларимиздан ҳали кўнглимиз тўлганича йўқ. Биз экологлар қонун томонидан берилган ҳуқуқдан тўла фойдалана олмаяпмиз, кўп пайтларда андиша деган нарса устунлик қилаяпти, энди бунга барҳам беришимиз керак, фаолиятимизда қонун устиворлигини амалда исбот қилишимиз керак.

Мен Ангрен шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби бўлганлигим учун ҳам партия ташкилотимиз бу борада фаолиятига бироз тўхталиб ўтмоқчиман. Ҳозирги кунда шаҳарда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг 200 нафардан ортиқ аъзоси бор. Қатор саноат корхоналарида, қурилиш ва транспорт ташкилотларида, муассасаларда партиянинг асосий ячейкаси бўлмиш бошланғич ташкилотлар фаолият кўрсатаяпти. Ана шундай партия ячейкалари шаҳар халқ маорифи бўлимида, «Сувоқава» ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Ангренэнергоцветмет» қўшма корхонасида, Техника коллежи билим юртида, Ангрен олтин конида, «Элерем» корхонасида ва бошқа корхоналарда мавжуд.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида шаҳар партия ташкилотининг асосий ишларидан бири деб кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда қўл келадиган хусусий корхоналар, кооперативлар, ҳиссадорлик жамиятларини барпо қилишда кенг омма ичида тушунтириш ишларини олиб бориш, уларга ҳар тарафлама услубий ёрдам кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қабул қилинаётган Қонун ва Қарорларни, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишларни халқимизга тўғри тушинтиришдан, партиямизга ҳайрихоҳлик билдирувчи кишиларни, айниқса ёшларни ўзимизга кўпроқ жалб қилишдан иборат.

Ҳақиқатга интилиш халқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Биз шунчаки демократик жамият эмас, балки демократик одил жамият курмоқчимиз. Партиямизнинг «Адолат» деб аталишидан мақсад шуки, у жамиятимизда адолат мезонининг бузилишига қарши кураш олиб боради. Демак экологик мувозанатни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш партия ташкилотларимизнинг энг муҳим вазифасига айланади. Бу улуғ ишга бор куч, билим ва маҳоратимизни сарфлайверамиз.

А. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Ангрен минтақавий табиатни муҳофаза қилиш Қўмитаси раиси,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Ангрен шаҳар Кенгашининг биринчи котиби.

Во ажаб!

ГУЛИСТОНДА ҚЎЛГА ТУШИШДИ

Икки ҳамшаҳар – Али Йўлдошев билан Ойбек Мирзаевлар Бухорога боришиб нотаниш аёлдан бир миллион 480 минг сўмга дори-дармонларни сотиб олишдию, тақдирлари буткул ўзгариб кетди.

Ишнинг хамирдан қил суғургандек осонгина битаётгани қўқонлик тадбиркорларни мамнун этди. улар Бухоро-Тошкент поездига чиқиб, Гулистонгача бориб у ердан Қўқонга кетмоқчи бўлишди.

– Дорифурушлар шу йил 3 март куни Гулистон шаҳар темирйўл бекатида қўлга олинди, – деди Ховос транспорт прокурори Абдушукур Омонов «Туркистон-пресс» мухбирига. – Чунки улар ноқонуний равишда дори-дармон савдоси билан шуғулланмоқчи бўлишган. Қонун шу боис уларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига кўра айбдор деб топди. Суд ҳукми билан иккаласининг ҳам молмулки мусодара қилиниб, уч йил муддатга оилик даромадидан маълум миқдорда ушлаб қолинадиган бўлди. А. Йўлдошевга тегишли 2 миллион 934 минг 722 сўмлик, О. Мирзаевга тегишли 3 миллион 350 минг 938 сўмлик, жами 6444000 сўмлик дори-дармонлар давлат фойдасига мусодара қилинди.

ЖОҲИЛЛИКНИНГ КАСОФАТИ

Янгиерлик Исмоил Маҳкамов оиласи-ю ҳаётига ўзи зомин бўлди. Шаҳар прокурорининг катта терговчиси Бахтиёр Аҳмедовнинг таъкидлашича, воқеа 19 май куни эр-хотин ўртасидаги оддий келишмовчиликдан бошланган.

Асаби бузилган Исмоил Маҳкамов турмуш ўртоғи 1963 йилда туғилган Маҳбуба Насриддиновага икки марта ўроқ билан оғир тан жароҳати етказади. Бироз ўтгач, жоҳил эр қилиб қўйган ишидан даҳшатга тушади ва омборхонасининг шифтига ўзини осиб, ҳаётдан кўз юмади. М. Насриддинова эса шаҳар марказий шифохонасида вафот этган. Айни пайтда тергов олди ҳаракатлари олиб борилаяпти.

– Бу фожеа айрим нотинч оилаларга сабоқ бўлармикин? – деди сўзининг якунида Б. Аҳмедов.

Театр — ҳаёт ойнаси

САҲНАНИ ЗАБТ ЭТАР ОТЕЛЛО

Дам олиш куни Алишер Навоий номли Опера ва балет катта театри гавжум бўлди. Анча пайтдан буён муваффақиятли намойиш этилаётган «Отелло» операси мухлислари сони ортиб бораётгани сир эмас. Ҳовлисидан улкан фаввора отилиб турган мазкур театр биносига кирарканмиз, томошабинлар кўпроқ турфа миллатга мансуб кишилар эканини кўриб қувондик. Дунёвий асарни дунё кўради-да! Бир дафъа ўзимизни оврупо мамлакатларидан бирида саёҳат қилиб юргандек ҳис этдик. Деворлардаги ажиб нақшлар жилоси кимни мафтун этмайди, дейсиз. Саҳна безаклари ҳам гўё сеҳрлаб қўяди.

Чироқлар ўчирилиб, саҳна турфа ёғдулардан жилолана бошлади. Жангларда ғолиб бўлган Отелло гумбирлаган садолар остида савлат тўкиб кириб келди. Залворли қадам ташлаганча «тахтиравон»га чиқди. Истеъдодли санъаткор Сайфиддин Рўзиқулов опера ва балет театрида бу образни ўзига хос равишда маромига етказарди. Асар қаҳрамонлари русча нафис оҳангда мулоқот қилишади. Опера санъати талқинида Отелло улкан ва юксак овозда томошабинлар қалбини забт этмоқда!.. Томошабинлар кўз ўнгида дўлвор ва соддадил, баҳодир лашкарбоши Отелло барчани ҳайратга солади. Эҳтимолки, тўрт асрча илгари Лондон саҳналарида яратилган Вильям Шекспирнинг мазкур асари илк бора опера шаклида шундоқ намойиш этилгандир? Бу томоша ҳам асл саҳна асари такроридир!..

Яхши асарнинг умри боқий. Унинг учун курраи заминимизда чегара ҳам йўқ. У қайси тилда яратилмасин дунё халқларининг турфа тилларида бийрон «сўзлайди». Қайсики мамлакатдаги театр саҳнасига чиқиш насиб этса, асар қаҳрамонлари ўша юрт одамларининг тилида гапираверади. Беш асрдан илгарироқ ҳазрат Алишер Навоий бобомиз яратган «Лайли ва Мажнун»дан тортиб севимли адибимиз Саид Аҳмад қаламига мансуб «Келинлар қўзғолони»гача турфа элларни мафтун этиб келаётгани сир эмас. Ўз навбатида жаҳон маънавий хазинаси асл дурдоналаридан саналмиш Вильям Шекспирнинг ўлмас «Отелло»си ҳам неча йилдирки юртимиз томошахоналарига файз бахш этаётир.

Ўша давр муҳитида топталган, қабиҳлар макри, тубанлиги бўғиб ташлаган соф севги ва одамийлик юз тутган фожиа кимнинг қалбини ларзага солмайди. Дездемона юксак одоб ва назокат соҳибасидир. У маккорлик ва хиёнат қурбони. Яго эса бамисли икки гул ўртасидаги қора тикандек. Жасур ва оққўнгил, қатъиятли ва айни пайтда бўҳтон гапларга ишонувчан Отелло ҳаётий қаҳрамондир. Одамларга оқибатли рухда ўсган баҳодирнинг тасаввурича инсон деган буюк зот ёлғон гапириши мумкин эмас. Жумладан, Яго ҳам бекорга Дездемонани энг катта хиёнатда айбламайди. Отеллонинг ўша ишонувчанлигидан Яго усталик билан фойдаланган эди... Ягонинг макри ила уюштирилган рўмолча воқеаси шу тариқа даҳшатли фожиага сабаб бўлади.

Таҳқирланган номус ва алданиш азоби Отелло ва унинг покиза севгилиси Дездемонани ҳалокатга маҳкум этади... У бўҳтонга ишониб, ўз малагини таҳқирлаганини англагач, ўз жонига қасд қилади. Диёнат ва хиёнат ўртасидаги омонсиз кураш шу тариқа хотима топади...

Томоша тугаркан, ҳаяжонга тушган мухлислар таассуротларини ўзаро шивир-пичир қилишарди. Ёнимизда ўтирган чирчиқлик Лариса Польянская шундай деди:

– Отеллонинг юксак ва маҳобатли овози қалбимни ларзага келтирди. Узоқ вақт бу овоз қулоқларим остида жаранглаб юрса ажабмас.

Чилонзорлик Иван Богдасаров бир «сир»ни очди:

– Бу саҳнада ҳатто микрафон ҳам ўрнатилмаган. Отелло ролини ижро этган артист учун микрафон шарт эмас! Бу – дунёвий овоз!..

Ана, парда тортилиб, зал ёришди. Томошабинлар чеҳрасида ўзгача ҳаяжон. Гарчи, буюк Отелло ва гўзал Дездемона фожеаларидан қалблари ларзага келсада улар ролини қойилмақом қилиб ижро этишган артистларнинг тезроқ парда ортидан чиқишларини кутишарди. Ниҳоят, ҳозиргина фожиали «ўлган» артистлар қаторлашиб чиқишди.

Отелло – Сайфиддин Рўзиқулов ва Яго – Руслан Faффоров, Дездемона – Вера Григорьеванинг билакларидан тутиб олишган! Бу билан истеъдодли санъаткорларимиз нафақат саҳнадан, балки ҳаётдан шунақа иллатларни итқитаётганга ўхшардилар. Кассио ролини ижро этган Александр Полонский ҳам уларга шерик. Гулдурос қарсаклардан зал ларзага келди! Ишқибозлар даста-даста гуллар кўтарганча севимли артистлари томон ошиқардилар!..

Сайфиддин Рўзиқуловни элга худди шу саҳна танитган. Унинг мухлислари ўзига яраша. Юксак истеъдод ва овоз соҳиби билан суҳбат қурдик:

– Сайфиддин ака, томошабинларни санъаткорнинг ҳаёт йўли кўпроқ қизиқтиришини яхши биласиз?..

– Мен асли Пахтачи туманида туғилиб, вояга етганман. 1985 йили Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясини тамомлагач, йўлланма билан Муҳиддин қори Ёқубов номли Ўзбекистон Давлат филармониясига яккахон солист бўлиб келдим. Сўнг, Тўхтасин Жалилов номли Ўзбекистон халқ чолғу оркестрида, миллий симфоник оркестрида яккахон солист бўлдим. 1996 йили мана шу даргоҳга келиш насиб этган экан. Илк ижро этган ролим – Мажнун бўлди. Сўнг, «Буюк Темур» операсида Шоҳруҳ, «Пиковая дама»да Герман, «Аида»да Радомес, «Фауст»да Фауст, «Масхарабозлар»да Канио каби бош ролларни ижро этиш ўзига яраша шарафдир. Камтар меҳнатимга эса санъатсевар томошабинларимиз баҳо бергани маъқул. Биз учун энг катта мукофот ҳам шу!..

– Айни дамда кўнглингиздан не ўйлар кечаётир?

– Юртимиз мустақиллигининг 10 йиллик тўйига муносиб тўёна нима бўлаётганини биласизми? Пойтахт шаҳримиз қоқ марказида қад ростлаётган янги консерватория биноси! Санъатга юксак эътибор ила қараётган муҳтарам Юртбошимиздан мамнунмиз. Энди шунга яраша чинакам дунёвий санъатимизни равнақ топтириш ниятидамиз!..

Саҳнада қанчалик улуғвор кўринган Отелло либосини алмаштириб, гримдан ҳоли бўлгач, оддий ўзбек йигитига айлаганди. Унинг ширин суҳбати ҳам халқона! Одамлар қалбига мудом йўл топаётган ҳақиқий санъаткор асли шундай бўлади-да.

Тўлқин ЭШБЕК,
Ҳазратилло РЎЗИЕВ.

СУРАТДА: Отелло ролида артист Сайфиддин Рўзиқулов.

Тарихшунослик сабоқлари

ДАВР ТАЛАБИ

Мустақиллик туфайли халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқди. Ўзлигимизни англадик, оз бўлмаса унутилаёзган қадриятларимиз, урф-одатларимиз, давлат бошқарув услублари қайтадан тикланди. Халқимизнинг бугунги юксак маънавий камолида юртбошимиз Ислом Каримовнинг алоҳида ўрни бор. Мамлакатимиз раҳбарининг ҳар бир чиқишларида тарихий ва миллий қадриятларни чуқур ўрганиш ва улардан бугунги кунда кенг фойдаланиш масаласи кўтарилмоқда. Бу эса бизнинг ижодий фаолиятимизга катта ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Тарихимизни холисона ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Негаки, ўтмишда аждодларимиз қўлга киритган тажрибалар бугунги кун учун катта аҳамият касб этмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Маънавият ўз халқининг тарихи, маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушунтириб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги бўлмайди».

Дунёнинг энг ривожланган давлатларига ҳам маънан юксаклиги билан ибрат бўла оладиган ўзбек халқи ўз турмуш тарзида доимо миллий қадриятлари, яъни, ота-боболарининг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тажрибаларига суянади. Ушбу урф-одатлар ўзбек халқини ўзга миллатлардан фарқлаб туради. Шуни ишонч билан айта оламанки, собиқ СССР қулаганидан кейин жуда кўп республикаларда қийинчиликлардан эсанкираш ҳоллари кузатилса-да, ўзбек халқи ўзининг миллий мероси, сабр-бардоши ва метиндай иродаси билан оғир кунларни орқада қолдирди. Аждодларимизнинг бизга бериб келган панд-насиҳатлари, таъбир жоиз бўлса, қадриятлари ижтимоий-сиёсий барқарорлигимизга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустамлака шароитида сиёсий тарихни ўрганиш нозик масалага айланган эди. Шунинг учун ҳам сиёсий тарих муаммоларини ўрганар эканмиз, кўпинча олимлар ушбу мавзудан кўра маданият масалалари билан шуғулланишни афзал кўрганликларининг гувоҳи бўламиз. Аксарият олимлар ўз асарларида Амир Темур сиёсий фаолиятига бирёқлама баҳо бериб келдилар. Аммо мафкура қолипига қарамай ёзма манбалар маълумотларига суянган А. Ю. Якубовский, И. Мўминов каби олимлар бу масалаларга холис баҳо беришга интилдилар. Улар мўғуллар асоратидан қутулишда Амир Темурнинг кўрсатган хизматларини, шунингдек, марказлашган давлат тузиш фаолиятини холис баҳоладилар ва унинг тарихдаги катта ролини кўрсатишга муваффақ бўлишди.

А. Ю. Якубовский Амир Темурни энг йирик лашкарбоши ҳисоблайди ва у ўз юришлари орқали Европа халқларига кўрсатган катта хизматларини холисона кўрсатади.

И. Мўминов 1968 йилда «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли ҳақида»ги рисоласини босмадан чиқарди. Шарқшунос олимларнинг фикр-мулоҳазалари ва тавсияларидан кейин чоп этилган ушбу рисолада Амир Темурнинг тарихимизда тутган катта роли кўрсатиб берилган эди. Аммо олим мафкура билан ҳисоблашишга мажбур бўлиб, унинг ҳукмрон синф вакили эканлигини, ташқи юришлари халқлар хотирасида сақланиб қолганлигини айтиб ўтган эди. Анча холис ёзилган ва Темуршуносликда янги қадам бўлган ушбу рисолада барибир Амир Темурнинг буюк давлатчилиги, бошқарувидаги адолат мезони, ҳарбий юришларидан кўзлаган мақсадлари, Ўрта Осиёда иккинчи тўлқинли уйғонишнинг бош сабабчиси бўлганлиги ва бошқа жиҳатлари рўйирост айтилмай қолди. Бунга йўл қўйишмади.

А. Ю. Якубовский, И. Мўминовлар ушбу қарашлари учун қаттиқ қаршиликка учрадилар. Айниқса, бу танқид ништари И. Мўминовга қарши қаратилган эди. 1973 йилда М. А. Абдураимовнинг «История СССР» журналида «60 йилларда Темур ва Темурийлар даврига оид чоп этилган адабиётларга шарҳлар» номли мақоласи эълон қилиниб, бу мақола асосан И. Мўминовни танқид қилиш мақсадида ёзилган эди. Бир олим Амир Темурнинг тарихда кўрсатган ролини бутунлай инкор этиб, И. Мўминовни эзувчи синф вакилини мақташда айблади. Кейинчалик матбуот саҳифаларида бундай мақолалар тез-тез чоп этилиб турилди. Худди шу йили «Вопросы истории» журналида А. П. Новосельцевнинг «Темурнинг тарихий баҳоси ҳақида» номли мақоласи эълон қилинди ва бу мақола атайлаб И. Мўминовга қарши уюштирилган эди. Чунки муаллифнинг ўзи Закавказье ва рус тарихи бўйича мутахассис бўлиб, Ўрта Осиё тарихидан бехабар эди. Партия аъзолари зўр бериб И. Мўминовга қарши ҳаракатни бошлаб юборган эдилар.

Шундан кейин Темуршунослик чуқур инқирозни бошидан кечирди ва кейинги 20 йил ичида айтарли йирик тадқиқотлар олиб борилмади. Бу йўл билан шўро давлати нафақат забардаст олимларимизни, балки тарихимизни ҳам қувғин қилган эди. Бу тарихий ҳақиқат халқ хотирасидан асло ўчмайди ва мустақилликнинг одил ва танқис неъмат эканлигини ҳаммамизга эслатиб туради.

Мустамлакачи совет давлати даврида забардаст олимларимизнинг мафкура тўсиқларига қарамай баралла ўз фикрларини баён қила олганликлари ижобий ҳолатдир. Шунинг учун ҳам улар босган залворли изларни бугун чуқур ўрганиш, бор ҳақиқатни юзага чиқариш давр талабига айланмоқда.

Шоҳиста ЎЛЖАЕВА,
тарих фанлари номзоди.

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

ШАРОН ЎТ ОЧИШНИ ТЎХТАТИШГА ЧАҚИРДИ

Исроил бош вазири Ариэль Шарон фаластинликларни ўт очишни тўхтатишга чақириб, Исроил давлати аҳоли истиқомат қиладиган жойлар қурилиши учун янги ҳудудларни тортиб олмаслиги тўғрисида маълум қилди.

Ушбу баёнотдан сўнг Исроил мудофаа вазирлиги фаластинликларга қарши тажовузкорликни тўхтатиш ва фақат ўзини ҳимоя қилиш учун ўт очиш мумкинлиги тўғрисида ҳарбийларга буйруқ берилганлигини билдирди. Бироқ Шарон мавжуд аҳоли яшайдиган жойлардаги қурилиш ишлари тўхтатилмаслигига ишора қилди. Бу эса Яқин Шарқдаги вазият бўйича ҳисоботнинг асосий тавсияларидан бирига тўғри келмайди. Ушбу ҳисобот собиқ америкалик сенатор Жорж Митчелл раҳбарлигидаги комиссия томонидан тайёрланиб, ўтган ҳафтада нашр қилинган эди. Фаластин томон вакилининг маълум қилишича, Исроилнинг муросага келишни хоҳламаётганлиги Митчелл таклиф этган режадан бош тортаётганлигини билдиради.

МАКЕДОНИЯДА ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Македонияда ҳукумат қўшинлари ҳамда албан жангарилари ўртасидаги тўқнашувлар қайта тикланди. Тетово шаҳрининг шимолида бўлиб ўтган отишмаларда олти нафар полициячи жароҳатланган.

Бундан олдин албан исёнчилари уч ҳафта бурун қўлга олинган ҳукумат қўшинларининг аскарини озод этишган эди. Бироқ шунга қарамасдан, Македония армияси қоронғи тушиши билан исёнчилар ушлаб турган қишлоқларни артиллериядан ўққа тутишган. Қуролли кучлар вакилининг маълум қилишича, жангарилар томонидан отишув бошланганидан кейингина ўт очилган. Айни пайтда Македония ҳукумати исёнчиларнинг янги фронт очишни режалаштириши мумкинлигидан хавфсираётганлигини билдирди.

ИРОҚҚА ҚАРШИ САНКЦИЯЛАРНИ ЮМШАТИШ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Буюк Британия БМТ Хавфсизлик Кенгашида Ироққа қарши санкцияларни юмшатиш таклифини илгари сурди. Бироқ Россия ушбу режадан қониқмаётганлигини билдириб, ўзининг қарши таклифи билан чиқди.

Қўшма Штатлар ҳам қўллаб-қувватлаётган ушбу лойиҳада Ироққа халқ истеъмол молларини сотишга бўлган таъқиқни бекор қилиш ҳамда қурол-яроғ эмбаргосини янада қаттиққўллик билан амалга ошириш кўзда тутилади. Москва эса амалдаги санкциялар тартибини яна ярим йилга чўзишни таклиф қилаётир. БМТдаги Россия элчиси британияликларнинг таклифини муҳокама қилиш учун қўшимча муддат зарурлигини айтди. Ироқ эса Буюк Британиянинг санкцияларни юмшатиш режасини рад этди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Шимолий қутбдан Япониягача бўлган 15 минг километрлик масофани якка ўзи босиб ўтишга ҳаракат қилиб, дом-дараксиз йўқолган япон сайёҳи Хиоити Кононинг мурдаси топилди. Хабарларга қараганда, у муз ёриғига тушиб кетган ва танаси чана арқонига ўралиб қолгани туфайли чиқолмаган.

● **Лена дарёсининг тошиши оқибатида вайрон бўлган Ленск шаҳри аввалги ўрнида қайта тикланади. Россия Президенти Владимир Путин иштирокида Ленскда бўлиб ўтган фавқулодда мажлисда шундай қарорга келинди. Россия раҳбари шаҳарни тиклаш ишлари мамлакатнинг барча минтақалари, айниқса, қўшни вилоятлар ёрдамида амалга оширилиши кераклигини таъкидлади.**

● Фаластинликлар Ғазо минтақасидаги яҳудийлар яшайдиган Нецарим қишлоғини миномётлардан ўққа тутди. Бунга жавобан Исроил армияси қишлоқ ўққа тутилган туманга бостириб кирди. Фаластинликлар билан бўлиб ўтган отишмалардан сўнг улар туманни тарк этди.

● **Хитой жануби-ғарбидаги Юннан вилоятида 5,8 баллик ер силкиниши рўй берди. Табиий офат натижасида, дастлабки хабарларга қараганда, 27 киши жароҳат олган, икки юзга яқин уй вайрон бўлган. Зилзиладан 14,5 миллион доллар зарар кўрилган.**

● Испанияда таниқли журналист, «Диарио баско» газетаси тижорий директори Сантяго Олеагага нисбатан суйиқасд уюштирилди. Тўппончадан узилган бир неча ўқдан оғир яраланган журналист ҳалок бўлди. Тахминларга қараганда, қотиллик баскларнинг ЭТА айирмачилик ҳаракати жангарилари томонидан содир этилган.

Суратларда: ҳунармандлар меҳридан сайқал топган чолғу асбоблари ва ҳунармандчилик буюмлари доимо мухлислар қалбига олам-олам завқу шавқ бағишлайди.

Интилганга толе ёр

ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ ЙИГИТ

Бундан беш-олти йил илгари Иштихон туман деҳқон бозорида бўлган кишининг таъби хира тортарди. Айниқса, ўзи етиштирган маҳсулотини сотиш учун келган деҳқонларга қулай шарт-шароитнинг йўқлиги, пешайвон ва пештахталарнинг етишмаслиги сабабли қорли-ёмғирли кунларда очиқ далада савдо қилинарди. Бозор майдонлари ёзда чанг, қишда лой бўлганлигидан савдо қилувчи ҳам, харидор ҳам раҳбарларга нисбатан жуда кўп эътирозлар билдиришарди. Ахир Иштихон Самарқанд вилоятининг кўзга кўринган тарихий туманларидан бири – «Ипак йўли»да жойлашган. Унга бир пайтлар савдогарлар карвонлари кириб ўтган. Ҳозир ҳам Тешкентдан Бухорога, Бухородан Тошкентга борувчилар Йиштихон орқали ўтишади. Катта йўл ёқасида жойлашган туман бозорининг эътибордан четда қолаётганлиги Азамат Бозоровни қаттиқ ташвишга соларди.

Кўпчиликнинг ишончи билан бозор раҳбари бўлиб иш бошлаган кезлариданоқ унинг шарт-шароитларини яхшилаш пайида бўлди. Ўша вақтдаги туман раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли бозордаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларига мутлақо эътибор берилмаганди. Шундай катта бозорда ҳатто оддий бир дарвоза ҳам йўқ эди. Бозорга келган савдогар, харидорлар сув излаб бошқа жойларга челак кўтариб юришарди. Бозор хизматчилари учун қурилган маъмурий бино ҳам талаб даражасида эмасди.

Хўш, ана шундай катта бир туманнинг деҳқон бозорини ҳақиқий бозорга айлантириш учун нима қилиш керак? Бу саволга Азаматнинг ўзи жавоб топди. Бугун замон тадбиркорларники, ишбилармонники, билимдонники. Шундай экан, ҳар бир ишни етти ўлчаб бир кесиш керак. Ахир мустақиллигимиз туфайли тадбиркорларга жуда катта имкониятлар яратиляпти. Нега энди ана шу имкониятни ишга солмаслик керак? Деҳқон бозори ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган-ку! Ҳозир биров мана сенга ёрдам пули ёки хоҳласанг давлат бюджетидан фойдалан дейдиган замон эмас. Ҳаракатда баракат деб бежиз айтилмаган. У ана шундай эзгу ниятлар билан бозор қурилиши ва ободончилиги ишларини акция сотиш йўли билан бошлади.

Интилганга толе ёр деганларидек, Азамат Бозоров раҳбарлигида 2 йил ичида туман деҳқон бозори тубдан ўзгарди. Сабзавотларни сотиш, учун келган деҳқону, узоқ шаҳарлардан турли хил товарлар олиб келаётган тадбиркор савдо ходимлари учун 900 квадрат метр пешайвон қурилиб, ишга туширилди. Бозорда тадбиркор учун махсус дўкончалар бунёд этилди. Майдонларга асфальт ётқизилиб, ичимлик суви келтирилди. Бозорнинг икки томонида шарқ услубига хос кўркам дарвозалар барпо этилди. Бозор хизматчилари учун эса маъмурий бино бунёд этилди.

– Асли касбим савдо ходими бўлгани билан, – дейди Азамат Бозоров, – қурувчилик соҳасига ҳам меҳрим бекиёсдир. Ахир, юртнинг ободлиги унинг қурилиши билан белгиланади. Бозорни қайта таъмирлашдан олдин шахсан ўзим унинг хомаки лойиҳасини тузиб чиқдим. Сўнгра қурувчиларга тавсия этдим. Тузган лойиҳам мутахассис бинокорларга манзур бўлди. Шахсан менинг тасаввуримда ҳар қандай бозорга келган савдо ходимими, ёки харидорми унинг кўркамлигидан, тоза ва озодалигидан, энг муҳими бозор хизматкорларининг ҳалол ва беминнат хизматларидан баҳраманд бўлмоқлари даркор. Биласизми, шахсан менинг назаримда ҳар бир бозор 10 йиллик, ҳеч бўлмаганда 5 йиллик истиқбол режасига эга бўлиши керак. Ахир бозор халқимизнинг бир кунлик турмуш юмушларини тортадиган даргоҳ эмас-ку. Шунинг учун ҳам биз бозорни янада кенгайтиришни, аҳоли талабини қондиришни бош режа асосида олиб боряпмиз.

Дарвоқе, Азаматнинг сўзларини тинглайсан-у унинг хайрли эзгу ниятларига қўшилмасдан иложинг йўқ. Иштихон деҳқон бозори қадимдан «Ипак йўли»да жойлашганлиги учун ҳам Азамат ҳозир бу масканни жаҳон бозорига айлантиришни, шу билан бирга Иштихон туманини бутун мамлакатга намоён этишни кўзламоқда. Зеро, бугунги кунда Иштихон деҳқон бозорида бўлган кишининг чин дилдан хаваси келади. Бозор атрофидаги турна қатор дўконлар бир-биридан чиройли шарқона услубда бунёд этиляпти.

Бозорнинг даромади ҳам чакки эмас. Бир ойда 2 миллион 200 минг сўм атрофида тушум тушаяпти. Бу Фарҳод Хушвақтов, Баҳодир Назаров, Баҳодир Жабборов, Луқмон Раҳмонов, Хислат Уроқов сингари паттачилар, муҳандис ва кассирларнинг ҳалол ва фидокорона хизматлари натижасидир.

Ҳа, бугунги кунда иштихонликларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг Азамат Бозоровнинг қадами қутлуғ келди, унинг фидокорона хизмати туфайли бозор обод бўлди, маҳсулот сероб бўлди, дейишмоқда. Ҳаракатда баракат деб шуни айтсалар керак-да.

Асқар ЖАЛИЛОВ,
«Адолат» мухбири.

Фусункор Қоҳира шаҳри.

«ТИТАНИК» МАШҲУР ҚИЛГАН АКТЁР

Кейт Уинслет – сарвқомат ва чиройли британиялик қиз бўлиб, эркаклар кўйлагини ва велосипедчининг қўпол ботинкасини кийишни ёқтиради. Аччиқлана бошласа, асабларини чекиш орқали тинчитади.

Кейт Рединг университети шаҳарчасидаги футбол ўйингоҳига яқин уйда катта бўлган. У ота-онаси, Анна ва Бес исмли опалари, укаси Жош билан бирга яшаган. Унинг бобоси актёрлик билан бир қаторда тиш шифокори ҳам бўлган. Қизнинг амакиси, отаси ва опалари ҳам актёр бўлишган. «Оиламизда бизнинг ҳаммамизга бир хил муносабатда бўлишар, санъаткорлик катталарнинг асосий хизмати ҳисобланарди. Шу сабабли менинг шон-шуҳрат супасига кўтарилишим жуда қийин кечди», – деб хотирлайди Кейт.

11 ёшидан 16 ёшгача Кейт актёрлар тайёрлаш мактабига қатнаган. Ўша пайтларда у анча дуркун бўлгани учун қизни Дўмбоқча деб чақиришарди. 16 ёшида Кейт мактабни ташлайди. Сўнгги имтиҳондан саккиз кун ўтгач, у комедияда биринчи ролини ўйнашга муваффақ бўлди. 18 ёшида у илк бор «Самовий мавжудотлар» фильмида суратга олинади. Шундан сўнг «Тафаккур ва ҳиссиёт», «Ҳамлет» ҳамда «Титаник» каби драматик фильмларда қатнашади. «– Мен Голливудда бир митти юлдуз бўлишни истар эдим, ҳозир эса мен Голливуднинг катта бир қисми ҳисобланаман», – дейди Кейт «Титаник»ни эсга олиб.

«Титаник»нинг суратга олиниши жуда оғир кечган. Ўша пайтларда Кейт хаёлидан шундай ўйлар ўтган: «Агар ўзим хоҳламаганимда, мен бу ерда бўлмас эдим... Худо, менга ўлишимга имкон бер». Олти ойдан кейин Кейт совуқ сувда чўмилиши зарур бўлиб, ўшанда қўли биладан синади. «– Мен худди калтакланган аёлга ўхшар эдим», – деб эслайди Кейт.

Суратга олиш тугаб тўрт ҳафта ўтгандан кейин ҳам у ўз кучларини тиклаш учун кунига 12 соатлаб тўшакда ётди.

Кейт фильмнинг Лос-Анжелосдаги премьерасига боролмайди. Худди ўша пайтда у саратон касалидан вафот этган севгилиси Стефан Трейднинг дафн маросимида қатнашарди. Узоқ вақт учрашмай юрган бўлсада, улар жуда яқин дўст эдилар.

Кейт ўзини юлдуз деб тасаввур қилиши жуда қийин эди. «– Кишиларнинг бу ҳақда гапиришлари менга ёқмайди, – дейди Кейт. – Мен жуда оддий одамман. Балки мен нодондирман, лекин ўзимни ғоятда оддий инсон деб ҳисоблайман. Гоҳида дўстларимдан узоқлашиб бораётгандекман. Бу ҳол мени хавотирга солади. Одамлар қаерлардадир ўтириб менинг қандай гапираётганимни тинглаётганларини ҳис қиламан: «– Бу Кейт. Сиз мен билан бемалол гаплашишингиз мумкин, чунки мен тўлиғича оддий инсонман», – дегим келади уларга».

«Туркистон-пресс».

Янгиликлар. Воқеалар. Хабарлар

КИНО ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

Самарқандда мамлакатимиз Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган кино ойлиги бошланди.

Бир ой давомида вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларидаги кино мухлислари «Ўзбекфильм» киностудиясида Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асари асосида суратга олинган фильмни, олтин фондда сақланаётган тарихий кинолар ҳамда мустақиллик йилларида яратилган энг янги кино асарларини томоша қилади. Шунингдек, кино ойлигида хориж кинематографлари томонидан яратилган машҳур кинофильмлар ҳам намойиш этилади.

ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАРГА МУНТАЗИР

Яна бир-икки кундан кейин ўқувчилар орзиқиб кутган ёзги таътил бошланади. Жиззах вилоятида бу йилги соғломлаштириш мавсумида 43 та болалар оромгоҳи фаолият кўрсатиб, уларда 7 минг 600 ўқувчи ҳордиқ чиқаради.

Болажонларнинг яхши дам олишлари учун вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларига, касаба уюшмалари вилоят, туман бўлимларига, «Жиззахулгуржибиржасавдо», «Матлубот-савдо» компаниялари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, молия, ички ишлар, маданият ишлари бошқармалари, шунингдек, бошқа тегишли муассасалар раҳбарлари зиммасига аниқ вазифалар юклатилган.

Вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда бу борада амалга оширилаётган ишлар яна бир бора муҳокама этилди. Йиғилишда бу масалада ҳамон айрим муаммолар мавжудлиги ҳам қайд этилди. Хусусан, Ш. Рашидов номидаги, «Бўстон», «Матлуботчи» дам олиш масканларида мавжуд камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

НАВБАҲОР МАРРАДА

Навбаҳор тумани пиллакорлари давлатга пилла сотиш шартнома-режасини бажарди. Қабул пунктларига 172 тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси топширилди.

Ҳар қути ипак қурти уруғидан 52 килограммдан ҳосил олинди. Жумладан, қарийб 30 тонна уруғлик пилла тайёрланди. Бу муваффақиятга «Гигант», «Истиқлол», Навоий, Охунбобоев номидаги ширкат хўжаликлари пиллакорлари муносиб ҳисса қўшди. Жорий йилда туман хўжаликлари фақат пилланинг ўзидан 12 миллион сўм фойда олишни мўлжалламоқда. Айни кунларда туманда режага қўшимча пилла топшириш қизғин давом этяпти.

«ЎЗМИЛЛИЙБАНК» ГАЛЕРЕЯСИ БУХОРОДА

Етти йил муқаддам Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки мамлакатимиз мусаввирлари, ҳайкалтарошлари ва халқ амалий санъати усталари асарларини харид этиб, ўзининг бадиий галареясини ташкил қилишга киришган эди.

Бугунга келиб, банк галареясида 900 га яқин рангтасвир асарлари, миллий ҳунармандчилик буюмлари тўпланган. Ушбу галарея яқинда Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда Бухородаги Камолиддин Беҳзод номидаги санъат музейида намойиш этилди. Унда бухоролик ижодкорлар асарларига ҳам кенг ўрин берилди.

(ЎзА).

Жиноят жазосиз қолмайди

ШАЙТОН ЕТОВИДАГИ УЧОВЛОН

Қадимгиларнинг гапларига қараганда инсоннинг ўнг елкасида фаришта, чап елкасида эса шайтон ўтирар экан. Шайтонга чап бериб фариштанинг гапи билан иш тутган киши жаннати бўларкан. Лекин Бухоро вилоятининг Ромитан тумани «Ғўжахўр» қишлоғида туғилиб ўсган Муҳиддин Усмоновга ўхшаб шайтони лаъиннинг гапига бир бора алданса, худо урди-қўйди деяверинг.

«Усмон Наби» фермер хўжалигининг аъзоси Муҳиддин Усмонов шайтоннинг гапига кириб, жиноятга қўл урди, – деди Ромитан туман прокурори Мамасоли Ҳайдаров «Туркистон-пресс» мухбирига. – Ўша куни акасининг уйига тўйга борганди. Тўй тарқаганда «Қалайчорбоғ» жамоа хўжалигининг Арабхона қишлоғида истиқомат қилувчи Баҳрилло Ашуров Махсума Рўзиева билан биргаликда давлат белгиси 20 С 9353 бўлган «Тико»да келиб қолди. Машинасининг орқа ўриндиғида тикув машинаси кўриниб турарди.

– Шуни жиянимнинг тўйига совға қилақол, – деди ҳазиллашиб Муҳиддин.

– Жуда қиммат туради-да, – деди Баҳрилло. – 420 минг сўм.

Бу нархни эшитиб, Муҳиддиннинг кўнглига шайтон оралади. Тўрт юзу йигирма минг сўм-а! Чакана пул эмас. Қўлга киритса, ҳаётидаги барча муаммолари ҳал бўладигандек эди. Хаёл кўчасида шайтон етовига тушган Муҳиддин қулай фурсат келишини пойлади.

Соат 16.30 ларда Баҳрилло билан Махсумалар тушган машина тўйхонадан чиқиб, икки километрча узоқликдан оқиб ўтувчи «Чавкар» ариғи ёқасида тўхтади. Баҳриллонинг бегона аёл билан бемаҳалда хилватда машинада ўтиргани Муҳиддин учун айни муддао эди. Шунда ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолиши мумкин эди-да.

У тезда тўйхонадан чиқиб уйига борди. Кийимларини алмаштириб машина тўхтаган томонга йўл олди. Шу орада қоронғу ҳам тушди. У қўлига ярим метрча келадиган тут гавронни олиб, юзига қора ниқоб ўраб олди. Машина олдига бориб, ойнасини тақиллатди. Эшик очилиши билан Баҳриллонинг бошига таёқ билан туширди. Калтак зарбидан гангиб қолган Баҳрилло машинадан аранг тушиб рақибига ташланди. Лекин ўзини ҳимоя қилишга қурби етмади. Муҳиддин Усмонов қўлидаги тошдек қаттиқ тут гаврон билан қутиргандек ҳамла қиларди. Бир урищда қўлини синдирди. Можародан хавотирга тушган Махсума машинани унинг устига қараб ҳайдади. Жиноятчи шунда ҳам ўзини йўқотмади. Қўлидаги таёқ билан машинанинг олд ойнасини уриб синдирди. Машина чуқурликка шўнғиди. Баҳрилло пайтдан фойдаланиб, машинага ўтириб қочмоқчи бўлди. Лекин «Тико» лойга ботиб қолганди, жойидан ҳам жилмади. Улар машинани ташлаб қочишди. Вазиятдан фойдаланган Муҳиддин қўлидаги таёқ билан машинанинг орқа ойнасини уриб синдирди. Хитойда ишлаб чиқарилган «Берните-75» русумли тикув машинасини олиб, уйидаги молхонанинг охурига яшириб қўйди. Лекин қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади. Жиноятчи қўлга тушди. У Баҳрилло Ашуровга ўртача оғирликда тан жароҳати, 245 минг 520 сўм миқдорида мулкий зарар етказганди. Қонун олдида қилмишига яраша жазосини олди.

• Орамиздаги одамлар

ОЙДИН ЙЎЛ

Яхши инсон яхшилик иморати пойдеворига ғишт қўяркан. Юрт кўркига кўрк қўшиб, кўкка бўй чўзган дарахтлар, боғлар кўчатини ҳам қайсидир боғбонлар яхши ниятлар ила экканлар. Осмонўпар биноларимизнинг ғиштларини қўли гул усталар теришгани, рисоладагидек пардоз-андоз қилишгани бор гап. Кафтдек равон йўллардан бамайлихотир юраверамиз-у аммо уни қайси бунёдкорлар барпо этишгани ҳақида ҳамиша бирдек ўйлайвермаймиз. Нима бўлганида ҳам, яхшилик кўрғонига лоақал биттагина ғишт қўйиб кетганларни жаннати одамлар, десак арзийди.



Ёшлигидан бунёдкор бўлишни орзу қилган Комилжон Одилов мактабни тамомлагач, Чирчиқ шаҳридаги индустриал техникумининг қурилиш факультетига ўқишга кирди. Қурилиш устаси ихтисосига эга бўлгач, йўлланма билан Бухоро вилоятига йўл олди. Меҳнат фаолияти Когон туманидаги 163-қурилиш трестида бошланди. Узига яраша тажриба орттириб қайтгач, Тошкент политехника институти саноат-қурилиш факультети кечки бўлимида ўқишни давом эттирди. Фаолиятини эса Чирчиқ шаҳридаги 160-қурилиш трестида давом эттирди. Оддий муҳандис бўлиб иш бошлаган уддабурон йигит ҳалол меҳнатлари, ташаббускорлиги билан жамоада эътибор қозонавергач, ҳаёт пиллапояларидан юқорилайверди. Кўп ўтмай унга юксак ишонч билдиришиб, бош муҳандис лавозимига тайинлашди.

Гап қандайдир лавозимларни эгаллашда эмас. Нимадир бунёд этишдан завқланиб яшаш ҳисси «сут билан кирган» Комилжон шаҳар қўркига кўрк қўшишда озми-кўпми ҳиссаси борлигидан ғурурланарди. 1980 йили унга катта ишонч билдиришиб, Қибрай туман ижроқўми раисининг қурилиш, саноат, алоқа, электр энергияси, коммунал хўжалик ишлари бўйича ўринбосари лавозимига сайлашди.

– Ўша кезларда енг шимариб ишлашга тўғри келган, – дейди биз билан суҳбатда Комилжон Одилов. – Аҳолини турар-жой бинолари билан таъминлаш, мактаб, болалар боғчалари, шифохоналар, йўллар, бекатлар қурилиши озмунча куч-ғайрат талаб этмасди. Очиғи, бугун шу бинолар ёнидан ўтиб қолсам, деворларида ўз бармоқларим изини кўргандек бўламан... Бироқ, у даврни бошқа эди. Нимаики иш қилманг, асосан давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириларди. Ҳамма нарса ҳисоб-китобли бўлиб, қатъий назорат қилинарди. Гоҳо зарурат пайдо бўлганида кўча, бекат қурилишини ҳашар йўли билан амалга оширар эдик. Юртимиз мустақиллиги аслида бунёдкорлик ишлари учун ҳам беқиёс имкониятлар яратаётганидан жуда қувонаман. Шу эзгу йўлни танлаган ёш бунёдкор укаларимиз, шогирдларимизга ҳавас қиламан. Илло, кимки умр дафтарини қанчалик зарҳал ҳарфлар ила безаса, бизнинг ёшга етганларида ўзгача ҳис этаркан...

Олтмишни ортда қолдира бошлаган отахонлар бугунги ёшларга ҳавас билан қараши бежиз эмас. Улар етишга улгурмаган орзуларни фарзандлари рўёбга чиқаришаётир. Буюк истиқлол ёшларга шундоқ имконлар берган! Қатор йиллар республика қурилиш ташкилотларида ҳам самарали меҳнат қилган Комилжон ака қачонлардир ўзи улғайган Қибрай туманидаги Байтқўрғон қишлоғи фуқаролар йиғини оқсоқоли бўлишни дилига тугиб қўйганди. 1992 йили уни шу шарафли лавозимга сайлашди. Шунда маҳалладошлари орзу-умидларини рўёбга чиқариб, Оққовоқ фуқаролар йиғинини ташкил этди ва нафақага чиққунга қадар унга раҳбарлик қилди.

Бугун бахтиёр кексалик гаштини сураётган Комилжон ака сира тиниб-тинчимайди. Маҳалла кўчаларини, теварак-атрофларни ҳашар йўли билан кўкламзорлаштириш, ободонлаштиришдек хайрли ишда бош-қош. Айни дамда жуфти-ҳалоли Муқаддамхон ая билан бирга фарзандлари ва набиралари даврасида бахтиёрдир.

Рустам ДОСТОН,
Тўлқин УСМОН.

Қадриятларимиз: бешик тўйи. Т. Норқулов олган сурат-лавҳа.

Қинғир ишнинг қийиғи

Давлат автомобиль назорати ҳаракат хавфсизлиги ҳаракатини тартибга солишдан ташқари транспорт воситаларида турли қинғир йўллар билан ва ғаразли мақсадларда олиб кетилаётган ғайриқонуний юкларнинг йўлига ишончли тўсиқ қўювчи масъул ҳизмат саналади. Бухоро вилоят хавфсизлиги посбонлари фаолияти билан яқиндан танишган киши ана шундай холисона ва асосли хулосага келиши табиий. Вилоят ДАН бошқармаси, милиция майори Раҳматулла Камолов билан бўлган суҳбатимизда бу фикр нечоғли ҳақиқат эканлигига яна бир карра амин бўлдик.

ҲАВО ЎРНИГА ОҒУ

Бухоро вилоят ДАН бошқармаси ходимларининг хушёрлиги, бурчга садоқати туфайли бир қатор жиноятлар фош этилмоқда

Сурхондарё – Нукус йўналиши бўйича ҳаракатланаётган «КамАЗ» русумли автомашина Чандир мунтазам ДАН масканида тўхатилди. Одатдагидай навбатчи ДАН ходимлари бу ҳайдовчининг ҳам ҳужжатлари, машина юкларини, ҳолатларини синчиклаб кўздан кечирдилар. 10 АД 050 давлат белгили, Сурхондарё вилояти Денов шаҳридаги Регистон кўчасининг 4-хонадонида истиқомат қилувчи Тўйчи Рўзиев бошқарувидаги мазкур транспорт воситаси ҳаво сақлагич баллони тоза пайвандланганлиги ҳаракат ҳавфсизлиги посбонларида шубҳа уйғотди.

– Ҳозир ўзингиз яхши биласиз, эҳтиёт қисмнинг янгиси кам, бўлгандаям нархи осмонда, – дея изоҳ берди ҳайдовчи баллонни диққат-эътибор билан назардан ўтказаётган ДАН ходимларида гумонга ўрин қолдирмаслик учун. Эскисини таъмирлатиб, қўйишимга тўғри келди.

Тўйчи Рўзиевнинг кўз қарашлари, гапириш оҳанги ҳам ғайритабиий эди.

– ДАНда ишлайверган сари ходимнинг тажрибаси ортиб, ҳайдовчининг ўзини тутиши, ҳатти-ҳаракати, кўзларидан унинг ички дунёси, ўша лаҳзадаги руҳий ҳолатини илғаш қўникмаси шакланиб боради, – дейди Раҳматулла Камолов юқорида биз қаламга олаётган ғайриқонуний ҳодисанинг фош этилиш тафсилоти ҳақида гапираётиб. – Текшириш учун тўхатилган транспорт воситасида «бир гап» борлигини бир қарашдаёқ қандайдир бир ички сезги билан дарҳол англайсан. Кўпинча тахмин тўғри чиқади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. ДАН ходимлари кўнгилларидан кечаётган гумонни текшириб кўришга қарор қилишди. Ҳайдовчининг аввал беҳудага вақтини олаётганларидан афсус чекиши, кейин жаҳли чиқиб дўқ-пўписага ўтиши, ўзаро келишишга, оғизларидан чиққанини бериб кетишга тайёрлигини айтиб ялиниб-ёлвориши ҳам наф бермади. Ниҳоят, ҳаво сақлагич балонни кесиб, очилгач, ўзини минг қуйга солаётган ҳайдовчининг кирдикори фош бўлди. Балон ичидан яширин ҳолда 9 та саллофан ўрамда жойланган 7 килограмм 865 грамм героин моддаси чиқди. Машина салонидан эса 75 минг 650 сўм нақд пул борлиги аниқланиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Тўйчи Рўзиев энди бошини хам қилиб, юмшоқ супургига айланди ва раҳм-шафқат тилашга, ялиниб-ёлворишга ўтди. Ҳаво ўрнига оғуни жойлаб назоратчилар назарига тушмай манзилга етишга умид боғлаган нафс бандаси устидан жиноий иш қўзғатилди. Тергов давомида ҳайдовчини «юк»ни кимдан олганлиги, қаерга элтаётганлиги, эвазига кимлар қанча манфаат кўраётганлиги сингари жиноят тафсилотини янада ойдинлаштирувчи ҳолатларга тўла аниқлик киритилади.

Гиёҳванд моддаларнинг фуқаролар томонидан яширин ҳолда олиб ўтилишига йўл қўймасликда ДАН ходимларига ўргатилган итларнинг ёрдами катта бўлмоқда. Ахир катта трассадан ҳар куни қатнаётган юзлаб автомашина, минглаб йўловчи юкини тўла текшириб чиқишнинг амалда ҳеч қандай иложи йўқ. Шунинг учун имкон қадар бу масалада ҳаракат хавфсизлиги назоратчиларига кўмаклашаяптилар. Овчарка сезгирлиги туфайли Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги «Бешқаҳрамон» жамоа хўжалигида яшовчи Жуманазар Ҳайдаровнинг сафари ўзи кўзлаган Урганчда эмас, Чандир мунтазам ДАН масканида поёнига етди. Ёнида иккита салофанга ўраб, 52 грамм наркотик моддани хуфёна олиб бораётган оғуфуруш қўлга туширилмаганида мўмай фойдани ўйлаб боши берк кўчага кирган бу кимса кимларнингдир нафақат саломатлиги, балки ҳаётини заҳарлаши мумкин эди. ДАН маълумотларидан бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Шуни қайд этиш керакки, ДАН ходимларининг касбга садоқати, хушёрлиги, вилоят Ички ишлар бошқармаси хизматлари билан амалий ҳамкорлиги туфайли кўпгина жиноий ҳаракатларнинг пайи қирқилмоқда. Сўнгги уч ой ичида жиноят қидирув йўналиши бўйича 76 та фактни фош этилиши фикримизнинг далилидир. Гиёҳванд моддаларни сақлаш ва ташиш, шахсий ва давлат мулкини ўғирлаш, ноқонуний қурол олиб юриш, қотиллик сингари жиноий ҳаракатлар шулар сирасига киради. ДАН бошқармаси ходимлари томонидан вилоят ҳудудида моддий товар бойликларининг ноқонуний олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслик борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам яхши самара бермоқда. Шу йилнинг ўтган уч ой мобайнида мана шундай уринишларнинг 127 та ҳолати аниқланиб, натижада 25 миллион 111 минг 395 сўмлик моддий товар бойликлари сақланиб қолинди.

2001 йилнинг уч ойи давомида вилоят Давлат автомобиль назорати ходимлари томонидан йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузган ҳайдовчи ва пиёдаларни аниқлаш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19,6 фоизга ёки 57028 тага, қўпол қоидабузарликларни аниқлаш 6,4 фоизга ёки 29847 тадан 31784 тага, транспортни маст ҳолда бошқарган ҳайдовчиларни аниқлаш 17 фоизга ёки 1369 тадан 1605 тага кўпайганлиги ҳам ходимларга нисбатан талабчанликни янада кучайтирганлиги, масъулиятнинг оширилганлигидан далолатдир.

Хизматда эришилаётган ютуқларни муносиб қадрлаш – ходимнинг иш унумига ижобий таъсир қилувчи муҳим воситадир. Вилоят ички ишлар ва ДАН бошқармалари раҳбарияти масаланинг бу жиҳатига алоҳида эътибор бермоқдалар. Биз юқорида мисол тариқасида келтирган ва хизматдош касбларига ибрат бўлаётган ҳаракат хавфсизлиги посбонлари моддий ва маънавий рағбатлантириб борилмоқда.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
Бухоро.

Суд фельетони

КЎРНАМАКЛАР

ёхуд «Ҳизбут-таҳрир» оқимидаги айрим кимсаларнинг қалтис ниятлари хусусида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни яхши билингки, қасам энг олий туйғу!.. Ундан бош тортганлар биласиз-а, ёлғиз ўлимгагина мустажо бўладилар. Буни ҳар доим ёдда тутмоқ керак. Огоҳ бўлингки, биз қатъий сўзида турувчилармиз... Бу йўлда ота-онамизу, ака-укаларимиздан, опа-сингилларимиздан воз кечишга тайёрмиз.

Обиджон ўзи каби лақма одамларнинг «яшин тезлигида»ги дастурини икки букилиб қабул қилди. Шу воқеадан сўнг «жаноби» – Нуриддинни бошқа кўрмади. Кейинчалик – Бадриддиннинг қўлида олти ой таълим олди. Раҳнамолари таъкидлаганидек, «қасам»га муҳрини босди. Шундай қилиб Обиджон Бадриддиннинг чизиб берган чизиғидан бир қадам ҳам нарига ўтмайдиган бўлди.

Уй юмушлари билан банд бўлиб турганида Ғайрат қишлоғидан Садриддин исмли йигит келиб қолади.

– Уйимни топиб берасан. Ўқиш масаласи бўйича гаплашиб оладиган гапларимиз бор, – деди Садриддин.

Учрашувдан кейинги куни у Ғайрат қишлоғига темирқанот бойўғли каби қанот қоқди. Суҳбатлар, ўзаро фикр алмашувлар узоқ мунозаралар билан чўзилиб кетди. Муллаваччалар итузумдек шу қадар болалаб кетдики, шўрлик Обиджон қайси биридан таълим олишдан баъзан боши қотиб, гангиб қоларди. Албатта, ҳар қайси акамуллони ўзича сабоқ бериш услублари бор. Суҳбатга Мансур Юнусов исмли муллавачча келиб қўшилди.

– Сиз Бадриддин билан бирга ишлагансиз. Энди мен сиз билан бирга ишлайман. Юқоридан топшириқ шундай бўлган.

Обиджон 2000 йилнинг январь кунларида бўлиб ўтган воқеани кўз ўнгига келтиради. Шунда Мансур Юнусов унинг уйига ташриф буюрган эди.

– Сизни мендан олган сабоғингиз ниҳоясига етди. Эндиги сабоғни деновлик муллаакамиз Муродуллодан олурсиз. У шу даврда не-не «аллома»ларнинг қўлида таҳсил олмади дейсиз. Охирги мушрифлари Муродулла ва Абдумўминлар бўлди.

Шоввозлар 2000 йилнинг январь ойида ўз теварагида «Икки ҳалқа» режасини ўйлаб топишди. Биринчи ҳалқа – Узун туманидаги темир йўл бекати раҳбари Йигитали, иккинчи ҳалқа Сариосиё туман марказига Акмал, Ўткир ва Камолиддинлар бошқаришга келишиб олинди. Мақсад битта, «Ҳизбут-таҳрир» варақаларини тарқатиш. Аҳоли ўртасида ваҳимали нотинч ҳолатни юзага келтириш эди.

Садриддин 2000 йилнинг биринчи февралида Обиджон Отажоновнинг қўлига мантиқсиз, 40 дона «Ҳизбут-таҳрир» диний ақидапарастлик ташкилотининг манфаатини ва ғояларини ёқловчи турли варақаларни тутқазаркан, махсус режалаштирилган 2-халқага, яъни, Сариосиё тумани Деҳқон бозори»га ушбу варақаларни яшин тезлигида тарқатишни буюрди.

Халқимизда, «Кўр кўрни қоронғуда топади», – деган мақол бекорга айтилмаган. Бу – рост гап. Йўқса, эндигина 31 баҳорни қаршилаган Шавкат Холов дабдурустдан бозорда бемаҳалда униб чиққан қўзиқориндек Сариосиё деҳқон бозорида пайдо бўлиб қолмасди.

Февраль ойининг иккинчи куни. Бозорда сотувчилар нарсаларини пештахта устига чиқазиб қўйиш билан овора. Лекин ҳали бозор одамларга у қадар тирбанд эмас. Бозор унчалик катта бўлмаганидан бу ердаги бозорчилар бир бирларини нималар билан шуғулланишини яхши билишади. Бегона кимса барчанинг нигоҳида бўлади.

Шавкат Холов шахси ноаниқ бўлган, жомеъ масжидида танишиб қолган Одил исмли йигитдан 20 дона, юқорида таъкидлаганимиздек, диний ақидапарастлик адабиётлари, экстремистик, нуқул туҳмат ва бўҳтондан иборат бўлган варақаларни олиб, одамлар гавжум жойга тарқатишни кўзлаб фурсат пойлайди.

Тижоратчи Бобоқул Ғофуров савдогар ҳамкасблари олдида нотаниш бир йигит аллақандай қоғозларни қолдириб, жўнаб қолганини кўрадию, кўнглидан нимадир ўтди. У Обиджоннинг орқасидан тушади. Яқинида турган Раҳматилла Алиқулов, Ҳайитқул Жабборов, Маҳат Рабиевларга шивирлаб алланималар дейди. Улар ҳам тушунишди шекилли, шубҳали кимсалар орқасидан эргашишди.

Бақир-чақир бошланиб кетди. Бир зумда бозор оёққа турди. Варақа тарқатувчилар қуршовда қолишди. Кимдир «Муттаҳамларни варақа тарқатаётган қўлини кесиш керак, – деса, бошқа бирови, «Бу кўрнамакларнинг жазосини бериш керак, – дерди. Яна бири, «Ватанига, отага қўл кўтарган қўллари лаҳатда чирисин», – деб қарғарди...

Воқеадан хабар топган милиция ходимлари етиб келишди. Варақа тарқатувчиларнинг қўлларига кишан солишди. Шахси аниқланди. Буни қаранг-ки, бу падаркушлар орамизда яшашаркан. Обиджон – Сурхондарё вилояти Узун тумани «Гулистон» жамоа хўжалигида, Шавкат Холов Сариосиё тумани Дашнобод қишлоғида нафас олишаркан. Одамнинг оласи ичида, – деганлари шу бўлса керакда!

Сариосиё тумани ички ишлар бўлими тезкор гуруҳи варақа тарқатувчи Обиджон Отахоновдан 18 дона, Шавкат Холовдан 14 дона варақани ашёвий далил сифатида олди.

Машойиҳларимизнинг, «Бузоқнинг югургани сомонхонагача», – деганлари шу!

Халқимиз азалдан кечиримли. Хатолиги кечиримли бўлса, андишалигимиз, чин маънодаги инсонийлигимиз ҳаммасидан устиворлик қилиб, ҳаттоки, оғир гуноҳларни ҳам кечишга шаймиз. Бу бағри кенглик, мусаффолик қон-қонимизга сингиб кетган.

Муҳтарам Президентимизнинг авф этишлари йўлдан адашганлар учун машъала. Бунинг маъносини чаққанлар кам бўлишмайди.

Судья ҳукмини ўқийди. Уларнинг иккиси ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят мажмуасининг 159-модда, «б» банди, 244- 1-модда 3-қисми «А» банди, 216-модда 1-қисми билан жиноят содир этишганини эълон қилди. Обиджон Отахонов ва Шавкат Холовлар қилмишларига яраша узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилиб, ўзларига қарашли бўлган мол-мулклари давлат фойдасига мусодара этилди.

Халқимизда, «Дарахтнинг бўшини қурт, деворни нам, одамни ғам, темирни занг ейди», – деган ибора бор. Қалбида она-Ватанга, эл-юртига муҳаббати уйғонмаган кишиларгина гўзал туйғуларни, самимий инсонийлик фазилатларини унутиб, шайтону лайин тузоғига илиниб қолишлари ҳеч гап эмас. Хиёнаткорларгина саждагоҳдек муқаддас Ватаннинг қадр-қимматига етмайди. Муқаддас тупроғимиз, халқимиз юзига оёқбосган кишидан ожизи йўқ бу дунёда. Маънавий сўқир, тубан одамлардангина ёмонликнинг ҳиди таралади. Конституциямиз иньом этган ҳурлик, мустақиллик халқимизни теран фикрлашга, ҳақ-ҳуқуқи учун талпинишга, юрт фаровонлигини таъминлашда саодатли қудратга эга. Қонунларимиз устиворлиги эса турмушимиз тарзининг адолатли мезонидир. Давлатимиз қудратининг ўлчови ҳам шу! Кимки ўз халқига, ўз ватанига, ўз Президентига қарши борса, ҳолига вой...

Абулқосим РЎЗИҚУЛОВ,
Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани жиноят ишлари бўйича суд раиси.
Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
«Адолат» мухбири.

«БАҲОР РАНГЛАРИ»

Андижон шаҳридаги ўқувчилар саройида «Баҳор ранглари» деб номланган либослар танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Танловда ижодий марказларда бичиш-тикиш, дизайн сирларини ўрганаётган, янгидан-янги либослар яратаётган ёшлар ўз маҳсулотлари билан қатнашди.

Мактабгача ёшдаги болалар, мактаб ўқувчилари ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган либослар кўргазмаси ўзининг миллийлиги, шу билан бирга замонавийлиги, хушбичим ва қулайлиги билан кўпчиликни мафтун этди.

Танловда Шаҳрихон ва Жалолқудуқ туман болалар ижодий маркази вакиллари ғолиб чиқишди. Уларга вилоят халқ таълими бошқармасининг фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари ҳамда ушбу тадбирга ҳомийлик қилган «Шаҳрихон-Лада» корхонасининг қимматбаҳо мукофотлари топширилди.

Миллий андозадаги атлас либослар ўзбек қизларининг чиройига доимо чирой қўшади.

ТАРАДДУД

Шаҳрисабзда Амир Темур майдонини ва Оқсарой меъморий ёдгорлигини таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Тошкент ҳайкалтарошлик комбинати ва «Ҳисоракс-сувқурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли иккинчи механизациялашган кўчма идора мутахассислари томонидан олиб борилмоқда. Айни кунларда буюк Соҳибқирон бобомизнинг янги ҳайкалини ўрнатиш ишлари тугалланмоқда. Амир Темур майдони ва Оқсарой меъморий ёдгорлигининг ҳовлиси кўкламзорлаштирилиб, миллий меъморчиликка хос услубда қурилган қўшимча бинолар билан зийнатланади. Бу хайрли ишлар Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги байрамига қадар тугалланади.

ҚАҲ-ҚАҲА



Машҳур спортчи оғир бетобланиб қолди. Доктор унинг ҳароратини ўлчаб кўрди-да:

– Ў-ўҳ! – деб юборди. – 39,2 га чиқиб кетибди-ку!

– Жаҳон рекорди қанча? – ҳаяжонланиб сўради бемор.

* * *

Касалхонага келтирилган беморнинг кўйлагига қадалган хатда шундай дейилганди:

Ҳурматли врачлар! Тутаётган ҳуруж кўричакники эмас, тутқаноқники, шуни ҳисобга олсангиз. Кўричагим уч марта олиб ташланган...

* * *

Бир микроб бошқасини учратиб қолиб, деди:

– Негадир бугун кўринишинг яхши эмас. Нима бўлди сенга?

– Яқинлашма. Назаримда менга пенициллин текканга ўхшайди.

* * *

Врач ёқимсиз овозда куйлаётган аёлнинг қўшиғига қулоқ солар экан, хотинига шивирлади:

– Бу камдан-кам учрайдиган астма тури, қачонлардир мен унга дуч келгандим.

* * *

– Бу дори ҳақиқатан ҳам яхши ухлатадими?

– Ҳа, сэр. Биз ҳатто унинг ҳар бир шишасига будильник қўшиб сотишга мажбур бўлаяпмиз.

* * *

Дейдиларки:

– Бир марта бўса олганингда беш миллион микробни унга юқтирасан. Иккинчи томондан эса, айни пайтда, ўзинг шунча микробдан қутуласан...

(«Адолат» газетасининг навбатдаги сони 8 июнь куни чиқади).

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Т. О. ДАМИНОВ, А. Ғ. ҒУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖЎРАБОЕВ, Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ҲАЙДАРОВ, К.РИХСИЕВ, Д. К. ҚИРҒИЗБОЕВ (бўлим мудири), Р. АЗИМОВ, Т. И. ЭРГАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, Ў.Ф. ЖЎРАЕВ, Н. НУРМАТОВ, М. КАЛОНХОНОВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64.

Навбатчи — Саъдиддин САЙДИСЛОМОВ

Саҳифаловчи — Бахтиёр ҚУШОҚОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Г— 2436, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Газета IBM компьютерида терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. Қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди 20.00.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.